ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

# ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ЙЎНАЛИШИ

# «ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ» МОДУЛИ БЎЙИЧА

# Ў Қ У В –У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2018

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил ____________ ___- сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** Исмаилова Н.С. – ТДИУ, "Жаҳон иқтисодиёти" кафедраси мудири, доцент, иқтисод фанлари номзоди;

Ўразбоев Н.А. – ТДИУ, "Жаҳон иқтисодиёти" кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

**Тақризчи**: Исломов Б.А. – Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиётуниверситетининг Тошкент филиали профессори, иқтисод фанлари доктори

**Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__ йил __________даги ___-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

**I. Ишчи дастур ........................................................................................................ 4**

**II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.15**

**III. Назарий материаллар....................................................... .........................21**

**IV. Амалий машғулот материаллари .................................................................96**

**V. Кейслар банки ........................................................................................ 132**

**VI. Мустақил таълим мавзулари ................................................................... 136**

**VII. Глоссарий............................................................................................ 138**

**VIII. Адабиётлар рўйхати .............................................................................. 144**

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қароридаги устувор йўналишлар ва вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Халқаро молия бозори ва институтлари халқаро иқтисодиётнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, улар жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнлари натижасида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда халқаро товарлар ва хизматлар бозорига молиявий хизмат кўрсатиш мақсадида шаклланган халқаро молия бозори ўз кўлами ва капитал оқимлари ҳажмига кўра халқаро товар бозоридан бир неча марта катта ҳажмга эга бўлиб, натижада жаҳон иқтисодиётининг мустақил ва энг йирик сегментига айланди. Ўзбекистоннинг миллий молия бозори ҳам ўз навбатида халқаро молия бозорига чуқур интеграциялашув жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз чиқишларида ва қарорларига айнан шу масалага катта эътибор қаратмоқдалар: “Ўтказилган таҳлиллар педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларида халқ таълими ва олий таълим тизимлари ўртасида узлуксизлик ва узвийлик таъминланмаганлигини кўрсатди. Натижада умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари фаолияти давомида фанларни ўқитиш методикаси, таълим ва тарбия назарияси янгиликларидан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан, илғор хорижий тажрибалардан бехабар қолмоқдалар.”[1]

Дастур мазмуни Халқаро молия бозорлари ва институтлари борасидаги билимларни такомиллаштириш, уларни ривожланиши муаммоларини аниқлаш, уларни ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш, уларда ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Фанни ўрганишда умумэътироф этилган назариялар ва услубиётга таянган

---

[1] Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 26.09.2017 йил.

ҳолда, тингловчиларнинг алоҳида хусусиятларини эътиборга олиб, масалаларни очиб беришда реал халқаро ва миллий амалиёт, хусусан, халқаро ва миллий молия бозоридаги аниқ амалий кейсларни кенг таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилади..

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

"Халқаро молия бозори ва институтлари" фанининг **мақсади** – тингловчиларда халқаро молия бозори ва халқаро молия институтларининг глобал иқтисодиётда тутган ўрни, уларнинг мазмун-моҳияти, ривожланиш босқичлари, тенденциялари ва истиқболлари бўйича мавжуд бўлган назарий-амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни шакллантиришдан ва шунингдек, молиявий глобаллашув жараёни муаммолари, молия бозорини тартибга солишдаги назарий қарашларни ўргатишдан иборат.

Шу билан бирга, мазкур фан Ўзбекистон молия бозори сегментларида фаолият олиб бораётган мутахассисларга халқаро молия бозорларида фаолият юритиш ҳамда халқаро молия институтлари билан манфаатли муносабатлар ўрнатишнинг асосий сир-асрорларини тушунтиришга муҳим мақсад сифатида қарайди.

Мазкур фаннинг вазифалари тингловчиларга қуйидаги йўналишларда назарий билим бериш ва амалий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат:

иқтисодий ва молиявий глобализация жараёнлари тўғрисидаги маълумотларни талқин қилиш, капиталнинг глобал миграцияси, тўлов баланси, ташқи қарз, халқаро молия бозори сегментлари хусусиятлари ва қонуниятларини очиб бериш;

халқаро молия бозори сегментлари шаклланиши ва ривожланиши тарихи ва шарт-шароитларини сингдириш, жумладан, халқаро валюта бозори, халқаро кредит бозори, халқаро қимматли қоғозлар бозори, халқаро инвестициялар бозоридаги операциялар ва молиявий инструментлар ҳамда халқаро ҳосилавий молиявий инструментлар механизмини ўргатиш, шу билан бирга Ўзбекистон молия бозори сегментлари ҳолати ва ривожланишини татқиқ этиш;

халқаро молия ташкилотлари, уларнинг шаклланиши тарихи ва фаолият

кўрсатиш механизми, халқаро молия бозорини тартибга солишда ва ривожлантиришда халқаро молия ташкилотларининг аҳамияти, халқаро молия бозорида рисклар ва халқаро рейтинг агентликлари фаолияти, Ўзбекистоннинг халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли алоқаларини сабабий боғлиқликда изоҳлаш;

трансмиллий корпорациялар, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши,

ТМКларнинг халқаро молия бозорида ҳамда Ўзбекистондаги фаолияти хусусиятлари ва тартибга солишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмиларини тушунтириб бериш;

халқаро иқтисодий, молиявий, банк, қарз ва бошқа тур инқирозлар, уларнинг моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари, турли мамлакатларда молиявий ва бошқа турдаги инқирозларга қарши чоралар ва дастурлар, Ўзбекистонда

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш чоралари мазмун-моҳиятини, кутилаётган натижаларни мантиқий кетма-кетликда етказишдан иборат.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

"Халқаро молия бозори ва институтлари" ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчи:

халқаро бозорлар тизимида халқаро молия бозори, унинг сегментлари ва

ҳаракат қилиш хусусиятлари ва қонуниятларини, халқаро молия бозори сегментлари шаклланиши ва ривожланиши тарихи ва шарт-шароитларини, халқаро молия ташкилотлари, уларнинг шаклланиши тарихи ва фаолият кўрсатиш механизми, халқаро молия бозорини тартибга солишда ва ривожлантиришда халқаро молия ташкилотларининг аҳамиятини, Ўзбекистоннинг халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли алоқаларини, халқаро молиявий ва бошқа тур инқирозларни, уларнинг моҳияти ва келиб чиқиш сабабларини, турли мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда молиявий ва бошқа турдаги инқирозларга қарши чоралар ва дастурларни билиши;

халқаро молия бозори сегментлари ривожи ва уларнинг ривожланиш тенденциялари динамикасини таҳлил қилиш, мазкур жараёнларда иқтисодий-математик аппаратдан ва эконометрик моделлардан самарали фойдалана олиш, халқаро ҳисоб-китоблар балансини таҳлил қила олиш, халқаро молия ташкилотлари Интернет сайтларидан маълумот излаш, тегишли маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

халқаро молия бозори сегментларида миллий компаниялар ва молиявий

агентларнинг самарали ҳаракат қилиш дастурларини баҳолаш, мазкур бозор сегментларида ҳамда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик борасида Ўзбекистоннинг самарали иштироки юзасидан тегишли маълумот базасини яратиш ва қарорлар қабул қилиш малакаларига эга бўлиши керак.

## Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

"Халқаро молия бозори ва институтлари" модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида "Ақлий ҳужум", "Кутиш йўлдоши", "Концептуал жадвал", "Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг" каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги белгиланган мавзуларни тўлиқ ўзлаштириш ва билимларни мантиқий кетма-кетликда тўғри эгаллаш асносида мазкур фан мутахассислик ўқув режасидаги таянч модуллар, хусусан, “Монетар сиёсат”, “Давлат молиясини бошқариш”, “Давлат қарзларини бошқариш”, “Халқаро банк иши”, “Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш”, “Корпоратив молияни бошқариш ва инвестиция сиёсати”, “Қимматли қоғозлар бозори ва биржа иши”, “Қимматли қоғозлар портфелини бошқариш”, “Корпоратив бошқарув” ва бошқа халқаро молия йўналишлардаги модуллар билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Халқаро молия бозори ва институтлари” фани бугунги кунда Ўзбекистоннинг миллий молия бозори ҳамда унинг халқаро молия бозорига интеграциялашувнинг, хусусан, давлат органларининг халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигининг амалий жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Шу билан бирга, мазкур фан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотларнинг мамлакат иқтисодиёт субъектларининг халқаро молия бозорига чиқиши ва халқаро молия институтлари билан боғлиқ амалий фаолиятларига катта илмий ва услубий кўмак беради.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти:

<table>
<tr><th rowspan="4">№</th><th rowspan="4">Модул мавзулари</th><th colspan="6">Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</th></tr>
<tr><th rowspan="3">Ҳаммаси</th><th colspan="4">Аудитория ўқув юкламаси</th><th rowspan="3">Мустақил таълим</th></tr>
<tr><th rowspan="2">жами</th><th colspan="3">жумладан</th></tr>
<tr><th>Назарий</th><th>Амалий машғулот</th><th>Кўчма машғулот</th></tr>
<tr><td>1.</td><td>Халқаро молия ва халқаро молия</td><td>6</td><td>4</td><td>2</td><td>2</td><td></td><td></td></tr>
</table>

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | бозори | | | | | | |
| 2. | Халқаро валюта бозори. Халқаро кредит бозори | 6 | 6 | 2 | 4 | | |
| 3. | Халқаро фонд (қимматли қоғозлар) бозори. Халқаро инвестиция бозори. | 10 | 8 | 2 | 4 | 2 | |
| 4. | Халқаро ҳосилавий молиявий инструментлар (деривативлар) бозори | 4 | 4 | 2 | 2 | | |
| 5. | Халқаро молия институтлари | 6 | 4 | 2 | 2 | | 2 |
| | **Жами:** | **28** | **26** | **10** | **14** | **2** | **2** |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу. Халқаро молия ва халқаро молия бозори (2 соат)

1. Халқаро молия ва унинг жаҳон бозори глобаллашувидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон халқаро молиявий муносабатлар тизимида.

2. Халқаро молия бозори:моҳияти, функциялари ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон халқаро молия бозорининг фаол иштирокчиси сифатида.

3. Халқаро молия бозорининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.

Ўзбекистоннинг халқаро молия бозорига интеграцияси.

4. Молиявий глобаллашув шароитида халқаро молия бозори глобаллашувининг замонавий тенденциялари. Ўзбекистон замонавий молиявий глобаллашув жараёнларида.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Блиц сўров”, “Ақлий ҳужум”,

“Бумеранг”усуллари.

### Тавсия этилган адабиётлар

1. The Global money markets. Frank J. Fabozzi, Steven V. Mann& Moorad

Choudhry. John Wiley & Sons, Inc. Copyright 2002 by Frank J. Fabozzi. All rights reserved.1–6p.

2. Кидуэлл Д. С., Петерсон Р. Л., Блэкуэлл Д. У. Финансовые институты, рынки и деньги. — СПб: Издательство «Питер», 2000. — (Серия «Базовый курс»)-41-42с.

3. Суэтин А.А. Международный финансовый рынок: учебник. - М.: КНОРУС, 2009. 9-64с.

4. Global Financial Markets./7 the edition. Stephen Valdez & Philip Molyneux.

Palgrave McMillan, 2013. 3-11p.

### 2-мавзу. Халқаро валюта бозори. Халқаро кредит бозори. (2 соат)
### 1-маъруза машғулоти

1. Халқаро валюта бозори: моҳияти, элементлари ва функциялари.

2. Халқаро валюта тизимлари: шаклланиши ва ривожланиши.

3. Халқаро молия бозори тизимида халқаро валюта бозорининг ўрни. ХВБнинг иштирокчилари ва таркиби.

4. Валюта курси. Валюта паритети.

5. Халқаро валюта бозоридаги асосий операциялар.

6. Халқаро кредит: тушунчаси, функциялари ва роли.

7. Халқаро кредит бозорининг таркибий тузилиши, иштирокчилари.

8. Халқаро кредит бозорида кредитларнинг асосий шакллари таснифи.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Дельфи”, “Пинборд” усуллари.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. The Global money markets. Frank J. Fabozzi, Steven V. Mann & Moorad Choudhry. John Wiley & Sons, Inc. Copyright 2002 by Frank J. Fabozzi. All rights reserved. 7-22p.

2. Financial Markets and Institution\g h t h E d i t i o n. Frederic S. Mishkin & Stanley G. Eakins.250-272p.

3. Суэтин А.А. Международный финансовый рынок: учебник. М.: КНОРУС, 2009. 30-44 с.

4. Global Financial Markets./7 the edition. Stephen Valdez & Philip Molyneux. Palgrave McMillan, 2013. 321-392p.

5. Международные валютно-кредитные отношения: учебник и практикум / Е.А. Звонова и др. –М.: Издательство Юрайт, 2014. 11-247с.

6. Международные валютно-кредитные отношения: Учебник для вузов / Под ред.
Л.Н.Красавиной. –4–е изд., перераб. и доп. –М.: Издательство Юрайт, 2014. 31–112с.


**3-мавзу: Халқаро фонд (қимматли қоғозлар) бозори. Халқаро инвестиция бозори. (2 соат)**

1. Халқаро фонд бозори тушунчаси, унинг функцияси ва тутган ўрни.

2. Халқаро фонд бозори тузилмаси ва иштирокчилари.

3. Халқаро фонд бозорининг асосий инструментлари. Еврооблигация ва депозитар тилхатлар

4. Халқаро фонд бозоридаги асосий операциялар.

5.Халқаро инвестициялар бозори: моҳияти, элементлари ва функциялари, асосий шакллари таснифи.

6. Халқаро инвестициялар бозорининг таркибий тузилиши ва иштирокчилари.

7. Инвестицион муҳит, халқаро инвестицияларни кафолатлаш ва низолар ҳал этиш масалалари.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Интерактив”, “Бумеранг”

усуллари.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. The Global money markets. Frank J. Fabozzi, Steven V. Mann& Moorad Choudhry. John Wiley & Sons, Inc.Copyright 2002 by Frank J. Fabozzi. All rights reserved. 23-274p.

2. Financial Markets and Institution\E i g h t h E d i t i o n. Frederic S. Mishkin & Stanley G. Eakins.274-317p.

3. Суэтин А.А. Международный финансовый рынок: учебник. М.: КНОРУС, 2009. р.

4. Ноздрев С.В. Современное состояние и тенденции развития международного рынка ценных бумаг. – М.: ИМЭМО РАН, 2012. – 110 с.

5. Global Financial Markets./7 the edition. Stephen Valdez & Philip Molyneux. Palgrave McMillan,2013. 109-119, 149-392p.

6. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник /Под ред. Л.Н. Красавиной. –3–е изд., перераб.и доп.–М.:Издательтво Юрайт, 2014. 326-333с.

**4-мавзу: Халқаро ҳосилавий молиявий инструментлар (деривативлар) бозори (2 соат)**

1. Халқаро деривативлар бозорининг умумий характеристикаси.
2. Деривативлар тушунчаси, функциялари ва уларнинг классификацияси.
3. Халқаро деривативлар бозорининг замонавий хусусиятлари.
4. Халқаро молия бозори сегментларида деривативларнинг ҳаракат хусусиятлари.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Кластер”, “Инсерт” техникалари.

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. The Global money markets. Frank J. Fabozzi, Steven V. Mann& Moorad Choudhry. John Wiley & Sons, Inc.Copyright 2002 by Frank J. Fabozzi. All rights reserved. 209-274p.

2. OPTIONS, FUTURES, AND OTHER DERIVATIVES/ John C. Hull. Maple Financial Group Professor of Derivatives and Risk Management Joseph L. Rotman School of Management University of Toronto Joseph L. Rotman School of Management University of Toronto.-781p.

3. Суэтин А.А. Международный финансовый рынок: учебник. М.: КНОРУС, 2009. 113– 175 с.

4. An introduction to Global Financial Markets. / 7 the edition. Stephen Valdez & Philip Molyneux. Palgrave McMillan, 2013. 393-452p.

5. Международные валютно-кредитные отношения: учебник и практикум / Е.А. Звонова и др. –М.: Издательство Юрайт, 2014. 212-217 с.

**5-мавзу: Халқаро молия институтлари (2 соат)**

1. Халқаро молия институтлари: асосий мақсадлари, функциялари ва вазифалари. ХМИ глобализация локомотивлари сифатида.
2. Халқаро валюта фонди: ташкилий структураси, функциялари,кредитлаш механизмлари. Ўзбекистоннинг ХВФ билан ўзаро муносабатлари.
3. Жаҳон банки гуруҳи: Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки.
4. Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси.
5. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик ва Инвестицион баҳсларни тартибга солишнинг халқаро маркази.
6. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг ташкилий структураси ва функциялари.
7. Минтақавий молия ташкилотлари: Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки.
8. Минтақавий халқаро ташкилотларнинг (МДҲ, ШҲТ, ЕОИИ) молия-кредит тузилмалари ва уларда Ўзбекистоннинг иштироки тамойиллари.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Блиц сўров”, “Ақлий ҳужум”, “Маъруза-суҳбат” усуллари.

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. Кидуэлл Д. С., Петерсон Р. Л., Блэкуэлл Д. У. Финансовые институты, рынки и деньги. — СПб: Издательство «Питер», 2000. 484- 636 с.
2. Financial Markets and Institution\E i g h t h E d i t i o n. Frederic S. Mishkin & Stanley G. Eakins.6,367-390p.
3. Гришина О.А., Звонова Е.А. Регулирование мирового финансового рынка: Теория, практика, инструменты. –М.: ИНФРА – М, 2010. 342-359 с.
4. Global Financial Markets./7 the edition. Stephen Valdez & Philip Molyneux. Palgrave McMillan, 2013. 326-330с.
5. Международные валютно-кредитные отношения: учебник и практикум / Е.А. Звонова и др. –М.: Издательство Юрайт, 2014. 479-534 с.
6. Международные валютно-кредитные отношения: Учебник для вузов / Под ред. Л.Н.Красавиной.–4–е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2014. 360-432 с.


## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот.**
**Халқаро молия ва халқаро молия бозори (2 соат)**

1. Халқаро молия ва унинг жаҳон бозори глобаллашувидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон халқаро молиявий муносабатлар тизимида.
2. Халқаро молия бозори:моҳияти, функциялари ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон халқаро молия бозорининг фаол иштирокчиси сифатида.
3. Халқаро молия бозорининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.

Ўзбекистоннинг халқаро молия бозорига интеграцияси.
4. Молиявий глобаллашув шароитида халқаро молия бозори глобаллашувининг замонавий тенденциялари. Ўзбекистон замонавий молиявий глобаллашув жараёнларида.
Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Блиц сўров”, “Ақлий ҳужум”, «Бумеранг» усуллари.

**2-амалий машғулот.**
**Халқаро валюта бозори. (2 соат)**

1. Халқаро валюта бозори: моҳияти, элементлари ва функциялари.
2. Халқаро валюта тизимлари: шаклланиши ва ривожланиши.
3. Халқаро молия бозори тизимида халқаро валюта бозорининг ўрни. ХВБнинг иштирокчилари ва таркиби.
4. Валюта курси. Валюта паритети.
5. Халқаро валюта бозоридаги асосий операциялар.
6. Халқаро валюта бозори ривожланишининг замонавий тенденциялари. Доллар, Евро ва Иена ўртасидаги глобал мувозанат тенденциялари.
7. Халқаро валюта бозори ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.
8. Ўзбекистоннинг халқаро валюта бозоридаги иштироки.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Дельфи”, “Пинборд” усуллари.

**3-амалий машғулот.**
**Халқаро кредит бозори (2 соат)**

1. Халқаро кредит: тушунчаси, функциялари ва роли.
2. Халқаро кредит бозорининг таркибий тузилиши, иштирокчилари.
3. Халқаро кредит бозорида кредитларнинг асосий шакллари таснифи.
4. Халқаро кредитларнинг замонавий шакллари.
5.Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишига халқаро кредит ресурслари жалб этиш амалиёти.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Блиц сўров”, “Ақлий ҳужум”, “Маъруза-суҳбат”усуллари.

**4-амалий машғулот.**
**Халқаро фонд (қимматли қоғозлар) бозори (2 соат)**

1. Халқаро фонд бозори тушунчаси, унинг функцияси ва тутган ўрни.
2. Халқаро фонд бозори тузилмаси ва иштирокчилари.
3. Халқаро фонд бозорининг асосий инструментлари. Еврооблигация ва депозитар тилхатлар.
4. Халқаро фонд бозоридаги асосий операциялар.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Интерактив”, “Бумеранг” усуллари.

**5-амалий машғулот.**

**Халқаро инвестиция бозори. (2 соат)**

1. Халқаро инвестициялар бозори: моҳияти, элементлари ва функциялари, асосий шакллари таснифи.
2. Халқаро инвестициялар бозорининг таркибий тузилиши ва иштирокчилари.
3. Инвестицион муҳит, халқаро инвестицияларни кафолатлаш ва низолар ҳал этиш масалалари.
4. Ўзбекистоннинг халқаро инвестициялар бозоридаги фаол иштироки: йирик халқаро инвестицион лойиҳалар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.
Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Инсерт” техникаси ва “Блиц сўров”, “Ақлий ҳужум” усуллари.

**6-амалий машғулот. Халқаро ҳосилавий молиявий инструментлар (деривативлар) бозори (2 соат)**

1. Халқаро деривативлар бозорининг умумий характеристикаси.
2. Деривативлар тушунчаси, функциялари ва уларнинг классификацияси.
3. Халқаро деривативлар бозорининг замонавий хусусиятлари.
4. Халқаро молия бозори сегментларида деривативларнинг ҳаракат хусусиятлари.
Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Кластер”, “Инсерт” техникалари.

**7-амалий машғулот. Халқаро молия институтлари (2 соат)**

1. Халқаро молия институтлари: асосий мақсадлари, функциялари ва вазифалари. ХМИ глобализация локомотивлари сифатида.
2. Халқаро валюта фонди: ташкилий структураси, функциялари,кредитлаш механизмлари. Ўзбекистоннинг ХВФ билан ўзаро муносабатлари.
3. Жаҳон банки гуруҳи: Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки.
4. Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси.
5. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик ва Инвестицион баҳсларни тартибга солишнинг халқаро маркази.
6. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг ташкилий структураси ва функциялари.
7. Минтақавий молия ташкилотлари: Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки.
8. Минтақавий халқаро ташкилотларнинг (МДҲ, ШҲТ, ЕОИИ) молия-кредит тузилмалари ва уларда Ўзбекистоннинг иштироки тамойиллари.
Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Блиц сўров”, “Ақлий ҳужум”, “Маъруза-суҳбат” усуллари.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- **давра суҳбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- **баҳс ва мунозаралар** (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг кўламли суҳбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қарата олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб етишга ёрдам беради.

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| № | Баҳолаш мезони | Максимал балл | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | Тақдимот тайёрлаш | 1,0 | Мустақил иш тарзида ҳар бир тингловчи белгиланган мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлайди – 1,0 балл |
| 2. | Кейс топшириғини бажариш | 1,5 | Мавжуд амалий вазиятдан кейс – 1,5 балл |
| | Жами | 2,5 | |

# II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

**Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари**

**<u>Музокаралар</u>**

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

**Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши**




## Баҳс

**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

## Анжуман-баҳсининг роли

**Олиб борувчи** – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент** – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикрларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

**«Ақлий ҳужум»**

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.
- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.
- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар**



Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Аудитория доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1-2 сўздан иборат тарзида

**Кластер**

**(Кластер – тутам, боғлаш)**

Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизиқ билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин. Ёзувга ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.





**Венн диаграммаси**




**SWOT-таҳлил жадвали**

**SWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

**Strengths** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;

**Weakness** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

**Opportunities** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

**Threats** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

**“Кучлар таҳлили” графиги**




**«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси**

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

### “Кейс-стади” методи

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| **1-босқич:** Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;<br>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);<br>✓ ахборотни умумлаштириш;<br>✓ ахборот таҳлили;<br>✓ муаммоларни аниқлаш |
| **2-босқич:** Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;<br>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| **3-босқич:** Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;<br>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;<br>✓ муқобил ечимларни танлаш |
| **4-босқич:** Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | ✓ якка ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;<br>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;<br>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

## Кейс.

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслахациз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

# III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## 1-мавзу: Халқаро молия ва халқаро молия бозорлари

**1. Халқаро молия ва унинг жаҳон бозори глобаллашувидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон халқаро молиявий муносабатлар тизимида.**
**2. Халқаро молия бозори: моҳияти, функциялари ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон халқаро молия бозорининг фаол иштирокчиси сифатида.**
**3. Халқаро молия бозорининг шаклланиш ва ривожланиш этаплари. Ўзбекистоннинг халқаро молия бозорига интеграцияси.**
**4. Молиявий глобаллашув шароитида халқаро молия бозори глобаллашувининг замонавий тенденциялари. Ўзбекистон замонавий молиявий глобаллашув жараёнларида.**



**Халқаро молиянинг функциялари**

- халқаро савдо ва товарлар, хизматлар ва капитал айирбошлашнинг оқилона ҳаракатини таъминлаш
- миллий иқтисодиётнинг ягона халқаро тизимга иқтисодий интеграциясини таъминлаш
- миллий иқтисодиётларни халқаро иқтисодий ва молиявий ҳолатларга мослаштириш
- давлат ўтказадиган молия сиёсатини мувофиқлаштириш

**Халқаро молиявий муносабатлар йўналиши**

- турли мамлакатларнинг хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар
- давлат билан бошқа мамлакат юридик ва жисмоний шахслари ўртасидаги ўзаро муносабатлар
- давлат билан бошқа мамлакатлар ҳукуматлари ва халқаро молия ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар
- давлат ва хўжалик субъектларининг халқаро молия институтлари билан ўзаро муносабатлари

## Халқаро молия тизимининг асосий функциялари

1 • валюта алмашинуви ва ҳисоб–китоблар тизимини унификациялаш

2 • валюта курслари режимининг регламентацияси ва валюта чекловларини тартибга солиш

3 • халқаро валюта ликвидлигини тартибга солиш

4 • кредитлаш, суғурталаш, инвестициялаш ва фонд операциялари бўйича халқаро қоидаларни унификациялаш

## Республика ташқи иқтисодий сиёсатида халқаро молиявий муносабатлар қуйидаги тамойилларга асосланади



## 2. Халқаро молия бозори: моҳияти, функциялари ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон халқаро молия бозорининг фаол иштирокчиси сифатида




**Глобаллашув жараёнларининг халқаро молия бозорига таъсири**

1. ЯИМ да реал активлар сектори улушига нисбатан молия секторининг улуши сезиларли даражада юқорилиги
2. номолия секторидаги операциялар ҳажмига нисбатан молия бозоридаги операциялар ҳажмининг ортиб бориши
3. ривожланган мамлакатлар молия бозоридаги операциялардан олинган даромад салмоғли ўринга эга бўлиши
4. халқаро кредитлашда бир неча мамлакатлар иштирокидаги синдикатлашган кредитлаш шаклининг ривожланиши
5. халқаро даражада инвесторларнинг ўсиб бораётган талабларига жавоб берадиган янги молиявий инстурментларнинг пайдо бўлиши
6. хориж бозорларида жойлаштириладиган қимматли қоғозлар эмиссия ҳажмининг ортиши
7. халқаро молия ташкилотлари функцияларининг ўзгариши


Халқаро молия бозорининг функциялари
1
• миллий иқтисодиётлар, мамлакатлар, ҳудудлар, корпорациялар ўртасидаги капиталнинг мобилизацияси ва қайта тақсимланиши
2
• талаб ва таклиф таъсирида алоҳидаги молиявий инстурментлар бозоридаги нархларни шакллантириш
3
• молиявий операциялар бўйича харажатларни камайтириш
4
• капиталнинг концентрацияси ва марказлашувини тезлаштириш
(корпорацияларнинг қўшилиш ва ютилиши жараёнлари)


Халқаро молия бозорининг хусусиятлари
макон, географик ва вақт чегараларининг мавжуд эмаслиги
келишувлар масштабининг кенг бўлиши
ММБ ларининг ХМБ тизимида кенг иштроки
Келишувларнинг халқаро фоиз ставкалари бўйича амалга оширилиши
етакчи валюталардан фойдаланиш
Халқаро молия бозорининг хусусиятлари


Ўзбекистоннинг халқаро молия соҳасидаги асосий стратегик мақсадлари қуйидагилар
1
• жаҳон иқтисодий тизими интеграциясига қўшилиб борилишини таъминлаш
2
• экспорт потенциалини ривожлантириш
3
• импорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш
4
• инвестиция сиёсатини такомиллаштириш
5
• хорижий инвестицияларни жалб қилиш
6
• экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш зоналари ва эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш
7
• ташқи иқтисодий фаолият инфратузилмасини ривожлантириш


3.Халқаро молия бозорининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Ўзбекистоннинг халқаро молия бозорига интеграцияси
халқаро соҳада инвестициялашнинг янада самарали йўналишини аниқлаш
талаб ва таклиф нисбатини объектив ифодалайдиган халқаро валюталар нархининг шаклланиши
харидор ва сотувчи ўртасида юқори даражадаги воситачилик
бозор иштирокчилари ўртасидаги самарали тақсимот
молиявий рискларни минималлаштириш учун шароитларнинг шаклланиши
халқаро даражада бўш ресурсларнинг мобилизацияси
Халқаро молия бозорининг фаолияти юқоридагилардан иборат
халқаро валюта ресурслари оборотининг тезлашуви


Жаҳон молия бозорининг ривожланишида жаҳон молиявий–иқтисодий инқирозига қадар тенденциялари
1
• 1995–2005 йиллар даври давомида акция ва облигация бозорларининг жадал суръатларда ривожланиши, банк депозитлари улушининг эса қисқариб бориши
2
• халқаро молия бозорида молиявий чуқурлашувнинг кучайиши
3
• хорижий инвестиция даражасининг ўсиши, молия бозорларининг бир–бирига боғлиқлигининг кучайиши
4
• хорижий қарз ва кредит берилишининг кескин ўсиши


Республикада молия-валюта инфратузилмасини ташкил этиш йўналишлари
ички валюта бозори фаолиятини яхшилаш
лизинг хизматлари бозорини ривожлан-тириш
ички суғурта хизматлари соҳасини ривожлан-тириш
аудит ва маслаҳат хизматлари бозорини ривожлан-тириш
банк тизимини такомиллаш-тириш
товарларни халқаро бозорлар томон ҳаракатини ташкил этиш ва ҳ.к.

**4. Молиявий глобаллашув шароитида халқаро молия бозори глобаллашувининг замонавий тенденциялари. Ўзбекистон замонавий молиявий глобаллашув жараёнларида**

**Халқаро молия бозорининг глобаллашуви қуйидагилар олиб келди**

- глобал молия марказларининг пайдо бўлишига
- трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банкларнинг ривожланишига
- электрон биржалар ва халқаро молия ташкилотлари тармоғининг кенгайишига

**Халқаро капитал манбаларининг 2015 йил ҳажми (млрд.АҚШ долл.)**



**Замонавий глобал молия бозори қуйидагилар билан тавсифланади**

- пул оқимларининг узоқ муддатли даврда ўсиш тенденцияси сақланиб қолиниши, шу билан бирга бир вақтнинг ўзида қисқа муддатли даврдаги капитал оқими динамикаси бозорларнинг ноликвидлилик рискини ортишига олиб келиши
- молиявий ресурслар мобилизациясининг тезлашуви арбитраж операциялар имкониятларини пасайтириб, ҳудудий бозорларда турли фоиз ставкалари ўртасидаги фарқларнинг камайишига олиб келиши
- юқоридаги омилларнинг бир вақтдаги таъсири халқаро молия бозоридаги активлар ҳаракатининг синхронизациясига ва бунинг натижасида, миллий молия бозорлари ўртасида тўғридан–тўғри инвестицияларнинг халқаро диверсификациясини заифлашишига олиб келади

**Халқаро молия бозори ривожланишининг замонавий тенденциялари**

1. халқаро молия бозорининг глобаллашуви
2. халқаро молия бозорининг интеграцияси ва конвергенцияси
3. халқаро молия бозори иштирокчилари (айниқса глобал молия субъектлари) ўртасида халқаро рақобатнинг ортиши
4. халқаро молия бозорида қўшилиш ва ютилиш операцияларининг ортиши
5. воситачиликнинг умумийлашуви ва халқаро молия бозоридаги иштирокчилар ихтисослашувининг кенгайиши
6. халқаро молиявий минтақалашуви, молиявий активларнинг институционализациялашуви (трастлар, пенсия ва суғурта тизимлари ва б.)
7. халқаро молия бозорини тартибга солишда, айниқса замонавий глобал инқирозлар шароитида амалда самарали инструментларни етарли эмаслиги
8. молиявий инстурментлар (деривативлар) билан трансакцияларнинг ўсиши, рискларнинг қайта тақсимланиши ва пасайиши
9. халқаро молия бозори ахборотларини олиш ва компьютерлаштиришнинг кенгайиши ва чуқурлашуви муаммолари

## 2-мавзу: Халқаро валюта бозори

**1. Халқаро валюта бозори: моҳияти, элементлари ва функциялари.**
**2. Халқаро валюта тизимлари: шаклланиши ва ривожланиши.**
**3. Халқаро молия бозори тизимида халқаро валюта бозорининг ўрни. ХВБнинг иштирокчилари ва таркиби.**
**4. Валюта курси. Валюта паритети.**







Халқаро валюта бозорининг қуйидаги бир қатор хусусиятлари мавжуд
валюта операциялар техникасининг соддалашуви
валюта ва кредит рискларини суғурталаш мақсадидаги операциялар кенг ривожланган
операцияларнинг кун давомида (24 соат) узлуксиз амалга оширилиши
| MCM | Банк назорати | Май/Апрель, Октябрь 2012, Февраль 2013 |
| STA | Умумий маълумотларни оммалаштириш тизими | Март 2013 |
| STA | Пул–кредит ва молия статистикаси | Май 2013 |
| FAD | Солиқ муассасаси | Март, Октябрь 2013 |
| STA | Давлат молия статистикаси | Сентябрь/Октябрь 2013 |
| MCM | Тижорат банклардаги корпоратив бошқарув | Апрель/Май 2014 |

Манба: http://cbu.uz/uzc/node/.

## 1.3. Жаҳон банки гуруҳи: Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки

### *Жаҳон банки гуруҳи*

| Халкаро тикланиш ва тараккиёт Банки | Халкаро молия корпорацияси | Халкаро тараккиёт ассоциацияси | Инвестиция-ларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик | Инвестицион бахсларни тартибга солиш бўйича халкаро марказ |
|---|---|---|---|---|
| 1944 | 1956 | 1960 | 1988 | 1966 |

## ХТТБ ва ХТА кредитлари

| Ташкил топган санаси | ХТТБ | ХТА |
|---|---|---|
| Молиялаштирила-диган мамлакатлар | Аҳоли жон бошига ЯИМ> $875 ва < 5,185 | Аҳоли жон бошига ЯИМ< $875 |
| Қоплаш муддати (имтиёзли муддатни қўшган холда) | 25 йилгача | 35-40 йил |
| Фоиз ставкаси | ўзгарувчан, бозор фоиз ставкаларига асосланган | 0% 0.75% комиссион тўлов холатида |
| Аъзо мамлакатлар | 184 мамлакат | 163 мамлакат |

## 1.4. Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси

### ХТА бюджетини тўлдирилиши млрд. АҚШ долларида




Манба:worldbank.org/annualreport.

## ХМК нинг фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи, млн.АҚШ доллари

| Кўрсаткичлар | 2014 йил 9 ой | 2015 йил 9 ой |
|---|---|---|
| **Молиявий қўйилмалар бўйича даромадлар** | | |
| Кредитлар,кафолатлар ва ҳосилавий молиявий инстурментлар | 789 | 829 |
| Кредит, кафолат ва бошқа дебиторлик қарзлари бўйича резерв шакллантириш | (112) | (136) |
| Мулкка оид қимматли қоғозлар бўйича (ҳосилавий молиявий инстурментлар билан) | 877 | 96 |
| Қарздорликка оид қимматли қоғозлар бўйича (ҳосилавий молиявий инстурментлар билан) | 49 | 99 |
| **Молиявий қўйилмалар бўйича даромадлар жами** | **1603** | **888** |
| Ликвидли активлар савдо операцияларидан даромадлар | 420 | 349 |
| Жалб қилинган қарзлар бўйича фоизли харажатлар | (141) | (188) |
| **Молиявий қўйилмалар ва ликвидли активлар савдо операцияларидан жами даромадлар** | **1882** | **1049** |

Манба: http://www.ifc.org/.

## ХМК нинг фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи, млн.АҚШ доллари

| Кўрсаткичлар | 2014 йил 9 ой | 2015 йил 9 ой |
|---|---|---|
| **Бошқа даромадлар** | | |
| Маслаҳатлар кўрсатишдан даромадлар | 167 | 172 |
| Хизматлардан комиссион тўловлар | 47 | 92 |
| Бошқалар | 94 | 90 |
| **Бошқа даромадлар жами** | **308** | **354** |
| **Бошқа харажатлар** | | |
| Умумхўжалик ва маъмурий харажатлар | (677) | (699) |
| Маслаҳатлар кўрсатиш бўйича харажатлар | (224) | (201) |
| Пенсияга чиқилгандан кейинги тўланадиган пенсия ва тўловлар | (129) | (148) |
| Бошқалар | (25) | (28) |
| **Бошқа харажатлар жами** | **(1055)** | **(1076)** |
| Носавдо операциялари бўйича курслардаги ижобий(салбий) фарқлар | (61) | 49 |
| **ХМК тегишли соф фойда(зарар)** | **937** | **(120)** |

Манба: http://www.ifc.org/.

**1. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик ва Инвестицион баҳсларни тартибга солишнинг халқаро маркази.**
**2. Халқаро ҳисоб–китоблар банкининг ташкилий структураси ва функциялари.**
**3. Минтақавий молия ташкилотлари: Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки.**
**4. Минтақавий халқаро ташкилотларнинг (МДҲ, ШҲТ, ЕОИИ) молия–кредит тузилмалари ва уларда Ўзбекистоннинг иштироки тамойиллари.**



**MIGA нинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млн. АҚШ доллари.**

| Даромад | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 |
|---|---|---|---|---|---|
| Суғурта бадалларидан соф даромад | 50,8 | 61,7 | 66,3 | 72,5 | 79,0 |
| Инвестицион даромад | 13,9 | 36,9 | 33,6 | 53,4 | 24,1 |
| Маъмурий харажатлар* | 41,1 | 43,9 | 47,1 | 45,6 | 44,9 |
| Операцион даромад** | 9,7 | 17,8 | 19,2 | 26,9 | 34,1 |
| Маъмурий харажатларнинг суғурта бадалларидан соф даромадга нисбати % да | 81 | 71 | 71 | 63 | 57 |
| Ялпи иқтисодий капитал*** | 414 | 508 | 572 | 620 | 705 |
| Акционерлик капитали | 924 | 905 | 911 | 974 | 971 |
| Операцион капитал | 1099 | 1125 | 1178 | 1262 | 1312 |
| Портфелдаги жами мажбуриятлар | 9122 | 10346 | 10758 | 12409 | 12538 |
| Ялпи иқтисодий капиталнинг операцион капиталга нисбати %да | 38 | 45 | 49 | 49 | 54 |
| жами мажбуриятлар ҳажмининг операцион капиталга нисбати %да | 8,3 | 9,2 | 9,1 | 9,8 | 9,6 |

*Маъмурий харажатларга пенсия ва бошқа нафақалар дастури бўйича пенсияга чиқилгандан кейинги тўланадиган тўловлар қўшилади.**Операцион даромад суғурта бадалларидан соф даромад билан маъмурий харажатлар айирмасига тенг. *** Ялпи иқтисодий капитал=кафолат портфели бўйича капитал истеъмол+капитал (инвестицион ва операцион рискларни ёпиш учун зарур)

Манба:www.miga.org.

**ICSID конвенция ва қўшимча қоидаларга кўра қайд этилган ҳолатлар сони 31.12.2016 й.**




Манба:https://icsid.worldbank.org. The icsid caseload–statistics(ISSUE 2017–1).

**ICSID да рўйхатга олинган ҳолатлар таркиби 2016 й.**




https://icsid.worldbank.org/en/Documents/resources.pdf(ISSUE 2017–1).

## 2.2. Халқаро ҳисоб–китоблар банкининг ташкилий структураси ва функциялари

**Халқаро ҳисоб–китоблар банкининг ташкилий структураси**



**Халқаро ҳисоб–китоблар банкининг функциялари**

- марказий банклар ўртасидаги ҳамкорликни ривожланишига ёрдам бериш
- халқаро молиявий ва валюта–кредит операциялар учун янги имкониятлар яратиш
- халқаро тўлов операциялари ўтказилишида шартнома асосида иштирокчилар томонидан унга бериладиган ишончли шахс ёки вакил сифатидаги фаолияти

**Халқаро ҳисоб–китоблар банки томонидан қуйидаги асосий операциялар амалга оширади**

- Марказий банклар билан депозит-ссуда операциялари
- Алоҳида келишувлар бўйича ҳукуматларнинг омонатларини қабул қилиш
- Валюта ва қимматли қоғозлар билан операциялар (акциялардан ташқари)
- Олтин олиб-сотиш ва сақлаш, олтин билан своп келишувлари
- Марказий банкларнинг корреспонденти ёки агенти сифатида молия бозорининг турли сегментларида операциялари
- Марказий банклар билан келишувлар асосида ўзаро халқаро ҳисоб-китобларни ривожлантиришдаги ҳамкорлик

**Тўлов ва ҳисоб–китоб карталари бўйича қўмита томонидан қуйидаги масалалар кўриб чиқилади**

- тўловлар, клиринг ва ҳисоб–китоблар хизматлари ҳамда тўлов инструментлари соҳасидаги янги ишланмалар ва ривожланиш таҳлили
- қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб–китоблар тизими,тўлов ва клиринг тизимлари риски ва самарадорлиги–стандартларини ўрнатилиши
- марказий банкларнинг сиёсати учун аҳамиятли ва тўлов тизимидаги марказий банкларнинг турли роли
- халқаро контекст–халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик

## 2.3. Минтақавий молия ташкилотлари: Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки.

**ЕТТБ нинг операцион фаолият натижалари, 2012–2016 йй.**

| | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
|---|---|---|---|---|---|
| Лойиҳалар сони | 393 | 392 | 377 | 381 | 378 |
| Банкнинг йиллик инвестициялар ҳажми (млн. евро) | 8920 | 8498 | 8853 | 9378 | 9390 |
| Жалб қилинган инвестицияларнинг йиллик ҳажми | 1063 | 862 | 1177 | 2336 | 1693 |
| Ш.ж. хусусий инвестициялар | 1009 | 769 | 1014 | 2138 | 1401 |
| Лойиҳалар умумий қиймати (млн. евро) | 24871 | 20527 | 20796 | 30303 | 25470 |

Манба: http://www.ebrd.com/ annual-report-2016.pdf.

**ЕТТБ нинг 2012–2016 йй. ўзлаштирилган маблағларнинг йиллик ҳажми (млрд.евро)**




Манба: http://www.ebrd.com/ annual-report-2016.pdf.



## 2.4. Минтақавий халқаро ташкилотларнинг (МДҲ, ШҲТ, ЕОИИ) молия–кредит тузилмалари ва уларда Ўзбекистоннинг иштироки тамойиллари

**Давлатлараро ҳамкорликнинг ўзаро иқтисодий муносабатларининг МДҲ доирасидаги асосий йўналишлари**

1. МДҲ доирасида мақсадлар амалга ошгунга қадар интеграцияга сакраб ўтмасдан, балки босқичма – босқич эркин савдо зонасини ташкил қилиш
2. МДҲ доирасида савдо – иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги салоҳиятни кўтариш
3. МДҲ доирасида товарларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш ва бошқалар

**ШҲТ нинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат**

1. аъзо–давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстликни мустаҳкамлаш
2. сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш
3. биргаликда саъй-ҳаракатлар билан минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш
4. демократик, адолатли, рационал, сиёсий ва иқтисодий халқаро тартибни қўллаб-қувватлаш







Манба: www.eurasiancommission.org/отчет евразийской экономической комиссии 2012–2015. –121с.

# IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган.

## АМАЛИЙ МИСОЛЛАР ВА МАСАЛАЛАР

1. Мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимидаги иштирокини тавсифловчи асосий кўрсаткичларини ёзинг.

2. Молия бозори структурасини тузинг.

3. Халқаро молия бозорига АДТ чиқарувчи 10 та етакчилар рўйхатини тузинг?

4. UNCTAD томонидан қандай мезонлар асосида компаниялар ТМКлар қаторига киритилади?

5. Биржадан ташқари амалга оширилиши мумкин бўлган битимларга мисоллар келтиринг.

6. Халқаро бозорда битимларни амалга оширган 10 та йирик инвесторлар рўйхатини тузинг.

7. UNCTAD методологияси бўйича трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон хўжалигидаги иқтисодий фаолияти қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?

8. 20 та йирик трансмиллий банкларни ва трансмиллий корпорацияларни рўйхатини тузинг.

9. Трансмиллий корпорацияларнинг умумий молиявий оқимлари схемасини тушунтиринг.

10. Евро ҳудуддаги импортёр Буюк Британиядан 100 минг фунт.ст. қийматдаги товарни 3 ойдан кейин тўлаш шарти билан сотиб олди. Қайси ҳолатда валюта риски пайдо бўлади ва уни қандай ёпиш мумкин?

11. 25000 доллар номинал облигация, 24500 доллардан нархда сотилмоқда.

Облигация курсини аниқланг? Давлат қисқа муддатли 100000 доллар номинал облигация курси 77,5 фоиз. Облигация нархини аниқланг?

12. Давлат қисқа муддатли муомаладаги муддати 91 кун бўлган 100000 номинали долларлик облигация 87,5 фоиз курс бўйича сотилмоқда. 10 та облигацияни сотиб олишдан олинадиган даромад ва молиявий операциянинг даромадлилигини аниқланг.

13. Акциядорлик жамиятининг дивидендлар тўлашга йўналтириладиган фойдаси 10000 шартли бирликни (ш.б.) ташкил этади. Акцияларни умумий суммаси 7600 ш.б., шу жумладан, имтиёзли 1200 ш.б. 20 фоизли ўзгармас дивиденди билан. Оддий акциялар бўйича дивидендлар миқдорини ҳисобланг.

14. Конвертация қилинадиган облигация қиймати 5000 ш.б. Акцияни бозор нархи 1000 ш.б. Конверсия коэффициенти 3. Конвертация қилинадиган облигацияни оддий акцияга алмаштириш шартми?

15. Австралия долларига нисбатан япон иенни кросс-курси ҳисобланг? 13 австралия доллари АҚШ долларига нисбатан курси-0,7050. Япон иен курси-

116,780.

16. Мижоз еврога фунт стерлинг сотиб олмоқчи. Мижоз учун фунтни сотиш курсини ҳисобланг? Валюта курслари: GBP / USD 1,5630 –1,5640. USD/EUR 0,9250 – 0,9270.

17. Валюта дилери 2 млн. АҚШ долларини 1,7560 курс бўйича еврога сотиб олди. Кун охирига у долларни 1,7540 курс бўйича сотди. Ушбу икки битимдан дилер учун натижа қандай бўлади?

18. Айирбошлаш шаҳобчаси АҚШ долларининг қуйидаги котировкасини берди: USD/RUR 31,30/32,60. Бир мижоз 2 000 доллар сотди, бошқа мижоз эса 2 000 доллар сотиб олди. Бу икки битимдан банк қандай фойда олди?

19. Фирма хорижга 12 млн. АҚШ долларидаги товарни етказиб беради. Шартнома бўйича 40 фоиз тўлов накдда етказиб берилгандан кейин тўланади. 60 фоизи эса уйидаги шартлардаги кредит шартномаси асосида қопланади.

| Кредитни қисми | млн. доллар | Қоплаш муддатлари |
|---|---|---|
| 1 | 2,4 | 1 йилдан сўнг |
| 2 | 2,4 | 2 йилдан сўнг |
| 3 | 2,4 | 3 йилдан сўнг |
| Жами | 7,2 | |

Кредитнинг ўртача муддати қанча?

20. Бугунги кунда қайси сумма қиммат туришини аниқланг (долларда ҳисобланг ва солиштиринг):

1) 62 англия ф.ст. ёки 100 австралия доллари?

2) 20 АҚШ доллар ёки 100 япон йенни?

3) 100 канада доллари ёки 100 япон йенни?

21. Ички нархлар ташқи нархларга нисбатан секин ўсмоқда. Агарда валютани сотиб олиш қобилияти паритетига амал қилинса, валюталарни номинал курсларига нима бўлади?

22. Валюта паритети шартлари талабларига нисбатан агарда валюта номинал курси секин ўзгарса, мамлакат экспорт-импорти қандай бўлади?

23. Қуйидаги тасдиқни асосланг? "Агарда давлат ишсизлик даражаси ва инфляция суръатига пул-кредит сиёсати орқали таъсир ўтказиш учун, давлат томонидан қатъий валюта курси режимини қўлламаслиги лозим".

## МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

1-мавзу: Иқтисодий ва молиявий глобализация

1. Эволюцион жараёнда замонавий жаҳон иқтисодиёти босқичлари нечта?

a. 4 та босқич

b. 3 та босқич

c. 2 та босқич
d. тўғри жавоб йўқ

2. Жаҳон хўжалиги иштирокчиси бўлган мамлакатлар миллий иқтисодиётига
халқаро иқтисодий алоқалар таъсири, алоҳида мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро
алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигини кучайиши бу - ... .
a. глобаллашув
b. интеграциялашув
c. интернационаллашув
d. тўғри жавоб йўқ

3. Миллий иқтисодиётларни яқинлашиши ва ўзаро мослашиши, уларни халқаро
миқёсда ягона ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиши бу - ... .
a. глобаллашув
b. интеграциялашув
c. интернационаллашув
d. тўғри жавоб йўқ

4. Либерализациялашган халқаро алмашинув асосида, хўжалик ҳаётини
интеграциялашув жараёнларининг кучайиши, миллий ривожланган иқтисодиётнинг
очиқлиги ва ўзаро боғлиқлиги босқичи бу ... .
a. глобаллашув
b. интеграциялашув
c. интернационаллашув
d. тўғри жавоб йўқ

5. Экспорт ва импортни ялпи қийматини ½ ЯИМ қийматига нисбати орқали
аниқланади, бу - ?
a. импорт квотаси
b. экспорт квотаси

c. ташқи савдо квотаси
d. тўғри жавоб йўқ

6. Банк капитали трансмиллийлашувининг кучайиши нима билан тавсифланади?
a. капитал халқаро ҳаракатининг ўсиши.
b. экспорт ҳажмининг ошиши
c. импорт ҳажмининг ошиши
d. тўғри жавоб йўқ

7. Иқтисодий интеграциялашувнинг босқичлари нечта?
a. 3 та босқич
b. 4 та босқич
c. 5 та босқич
d. тўғри жавоб йўқ

8. Капитал ҳаракати орқали иқтисодиётда глобал алоқаларнинг кучайиши, бу-? a. молиявий глобаллашув
b. халқаро савдони либерализациялашуви
c. иқтисодиётни регионализациялашуви
d. тўғри жавоб йўқ

9. Иқтисодий глобаллашувнинг асосий йўналишларига қайсилар киради?
a. молиявий глобаллашув
b. халқаро савдони либерализациялашуви
c. иқтисодиётни регионализациялашуви
d. барча жавоблар тўғри

10. Замонавий жаҳон иқтисодиётида глобаллашувнинг асосий тенденцияси бу-?
a. молиявий глобаллашув
b. минтақалашуви
c. ТМКнинг ривожланиши

d. тўғри жавоб йўқ

## 2-мавзу: Халқаро молия ва халқаро молия бозори

1. Волкер қоидасининг мақсади:
a. ривожланаетган мамлакатларга ёрдамни бекор қилиш
b. АҚШ иқтисодий ўсиши учун пул эмиссиясини орттириш
c. банкларнинг дериватив оперцияларини чеклаш
d. инфляция даражасини пасайтириш

2. Товарларни жаҳон нархидан паст нархда экспорт қилиниши:
a. валюта дилинги
b. валюта скоринги
c. валюта демпинги
d. валюта фиксинги

3. Давлат томондан назорат қилинадиган, ўзгарувчи валюта курсининг иқтисодиётни тартибга солувчи қўшимча инструменти тўғрисидаги назария:
a. сузиб юрувчи валюта курси назарияси
b. тартибга солинувчи валюта назарияси
c. валюта курсини норматив назарияси
d. тўғри жавоб йўқ.

4. Олтинни расмий демонетизацияси қабул қилинган:
a. Генуя валюта конференциясида
b. Бреттон-Вудс валюта конференциясида
c. Ямайка валюта конференциясида
d. Париж валюта конференциясида

5. БМТнинг ихтисослашган молиявий ташкилоти?
a. ЮНЕСКО
b. Халқаро Валюта Фонди
c. Жаҳон банки
d. БМТТД (ПРООН)

6. Агар миллий ва халқаро инфляция орасидаги фарқ 10 фоизга тенг бўлса, миллий валютани девальвацияси нимага тенг:
a. 5 фоизга
b. 10 фоизга
c. 95 фоизга
d. 105 фоизга

7. Халқаро молия бозори сегментига кирмайди?
a. валюта бозори
b. деревативлар бозори
c. фонд бозори
d. суғурта бозори

8. Халқаро молия бозори функцияси киради
a. капитални қайта тақсимлаш
b. капитални марказлаштириш
c. капитал мобилизацияси
d. барча жавоблар тўғри

9. Халқаро молия бозори -бу?
a. халқаро капитал мобилизацияси ва қайта тақсимлаш
b. халқаро капитал бозори
c. халқаро кредит муносабатлари
d. барча жавоблар тўғри

10. Етакчи нетто-кредитор бўлиб ҳисобланади
a. АҚШ
b. Япония
c. Германия
d. Канада

## 3-мавзу: Тўлов баланси ва ташқи қарз

1. Тўлов баланси нима?

a. мамлакат томонидан валюта кўринишида ҳақиқатда тўланган ва бошқа давлатлардан олинган тушумларнинг нисбати

b. мамлакатнинг хорижий давлатларга бўлган талаб ва мажбуриятларнинг нисбати

c. фақатгина ҳақиқатда амалга оширилган халқаро кредит билан боғлиқ тўловлар

ва тушумларнинг нисбати

d. валюта резервлари ва олтин резервлари баҳоси ўртасидаги нисбат

2. Савдо баланси акс эттиради?

a. экспортни жами суммасини

b. импортни жами суммаси

c. экспорт ва импорт суммаси ўртасидаги фарқ

d. хориждан тушган суммалар

3. Тўлов баланси бўлимлари

a. жорий опреациялар ва капитал ҳаракати

b. экспорт ва импорт операциялар

c. валюта резерви ва олтин захираси

d. халқаро кредитлар ва трансфертлар 4. Тўлов балансиниг кўринмас операциялари таркибига киради

a. чет эл мамлакатларига кредитлар

b. товар ва хизматлар экспорти

c. мамлакат миқёсидаги субсидиялар

d. қариндошларнинг ўз юртларига пул ўтказмалари

5. Тўлов балансининг профицити...

a. инфляцияга олиб келади

b. миллий валютани ревальвациясига олиб келади

c. миллий валютани девальвациясига олиб келади

d. резервни камайишига олиб келади

6. Тўлов баланси дефицитининг салбий оқибатлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

a. миллий валюта ревальвацияга учрайди

b. миллий валюта девальвацияга учрайди

c. давлат бюджети даромадлари камаяди
d. давлат бюджети харажатлари ортади

7. Тўлов баланси жорий операцияларига киради
a. капитални кириб келиши
b. капитални чиқиб кетиши
c. соф пул ўтказмалари
d. тўғри жавоб йўқ

8. Давлат қарзи қуйидаги иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин
a. хаёт даражасини пасайишига
b. миллий бойликни қайта тақсимланишига
c. ялпи миллий харажатларни ошишига
d. барча жавоблар тўғри

9. Тўлов балансиниг кўринмас операциялари таркибига киради
a. чет эл мамлакатларига кредитлар
b. товар ва хизматлар экспорти
c. мамлакат миқёсидаги субсидиялар
d. қариндошларнинг ўз юртларига пул ўтказмалари

10. Давлатнинг молиявий ҳолати назорат қилинаётган ҳисобланади, агарда давлат қарзи
a. ЯИМ нисбатан 50 фоиздан ошмаса
b. ЯИМ нисбатан 30 фоиздан ошмаса
c. ЯИМ нисбатан 15 фоиздан ошмаса
d. ЯИМ нисбатан 25фоиздан ошмаса

## 4-мавзу: Халқаро валюта бозори

1. Хорижий валютага талаб ва таклифдан келиб чиқиб аниқланадиган валюта курси-бу?
a. қатъий белгиланган валюта курси
b. биржа валюта курси

c. расмий валюта курси
d. паритетли валюта курси
2. Мамлакатнинг халқаро валюта ликвидлигига нима киради?
a. олтин
b. миллий валюта
c. валюта резерви
d. қимматбаҳо тошлар

3. Валюта қийматига кирмайдиган элементни кўрсатинг.
a. банкот кўринишидаги хорижий валюта
b. ташқи қимматли қоғоз
c. банк ҳисоб рақамидаги хориж валютаси
d. тўғри жавоб йўқ

4. Қайси мулоҳазани тўғри деб ҳисоблайсиз?
a. Хориж валютасига талаб-ишлаб чиқарувчиларни товарлар эскпорт қилишга
b. мослашувчан валюта курси иқтисодиётни хориж таклиф шокидан ҳимоя қилинади
c. қатъий валюта курсида валюта курсини эркин кўтарилиши ёки пасайиши содир
бўлмайди
d. ҳар қандай валюта валюта қийматлиликларига киради

5. Агар Россияда товарлар нархи 1,5 бараварга ошса, долларнинг рублга нисбатан
курси?
a. 1,5 бараварга ошади
b. ўзгармайди
c. 1,5 бараварга камаяди
d. тўғри жавоб йўқ

6. Агар А мамлакатда фоиз ставкаси 10 % га тенг ва Б мамлакатда инфляция
даражаси 5 %га тенг бўлса, фоиз ставкаларининг паритетида Б мамлакатда

фоиз
ставкаси нимага тенг бўлади?
a. 5 фоизга
b. 15 фоизга
c. 10 фоизга
d. -5 фоизга

7. Касса валюта операциялари учун қайси белгилар характерли?
a. келишув мотиви – валюта рискини нейтрализацияси
b. келишув биржада тузилади
c. келишув спот курси бўйича амалга оширилади
d. тўғри жавоб йўқ.

8. Форвард валюта курси фойдаланиладиган келишувни кўрсатинг
a. валюта арбитражи
b. валюта споти
c. валюта свопи
d. тўғри жавоб йўқ

9. Валюта фьючерслари қандай хусусиятлари билан характерланади?
a. шартномада бажаришни стандарт муддатлари назарда тутилади b. шартномада валюта етказилиши мажбурийлиги назарда тутилади
c. келишув биржада тузилади
d. тўғри жавоб йўқ

10. Қайси валюта операциялари шартномасида сотиб олувчи, сотувчига мукофот
тўлайди?
a. валюта споти
b. валюта свопи
c. валюта опциони
d. тўғри жавоб йўқ

11. Валюта свопларини характерловчи белгиларни кўрсатинг.
a. шартномада бажаришнинг стандарт муддати назарда тутилади
b. шартномани бажариш мажбурий ҳисобланади
c. шартномани бажариш мажбурий ҳисобланмайди
d. тўғри жавоб йўқ

12. Валюта опционлари қандай хусусиятлари билан тавсифланади?
a. шартнома бажариш учун мажбурий ҳисобланади
b. келишув жорий бозор курси бўйича амалга оширилади
c. шартномани сотиб олувчи сотувчига мукофот тўлайди
d. тўғри жавоб йўқ.

13. Олтинни расмий қабул қилинган?
a. Генуэз валюта конференциясида
b. Бреттон-Вудс валюта конференциясида
c. Ямайка валюта конференциясида
d. Париж валюта конференциясида

14. Хорижий валютага талаб ва таклифдан келиб чиқиб аниқланадиган валюта курси-бу?
a. қатъий белгиланган валюта курси
b. биржа валюта курси
c. расмий валюта курси
d. паритетли валюта курси

15. Бир мамлакат валютасининг иккинчи бир мамлакат валютасига нисбатини
учинчи валюта орқали ифодаланиши?
a. кросс курс
b. биржа курси
c. расмий курси
d. давлат курси

16. Мамлакатни халқаро валюта ликвидлигига нима киради?
a. олтин
b. миллий валюта
c. валюта резерви
d. қимматбаҳо тошлар

17. Валюта битими тузилгандан сўнг, валюталар икки иш кунида келиб тушадиган операциялар a. своп
b. форвард
c. спот
d. опцион.

18. Бир валютани спот операцияси бўйича сотиб олиш ва форвард шарти бўйича
сотишига ёки форвард шарти бўйича сотиб олиш ва спот шарти бўйича сотиш
a. опцион
b. спот
c. своп
d. тўғри жавоб йўқ.

19. Валюта курси икки мамлакат пул бирликларининг нисбий қиймати
a. харид қобилияти паритети
b. фоиз паритети
c. валюта курси
d. тўғри жавоб йўқ.

20. Валюта қийматига кирмайдиган элементни кўрсатинг?
a. банкот кўринишидаги хориж валютаси
b. ташқи қимматли қоғоз
c. банк ҳисоб рақамидаги хориж валютаси
d. тўғри жавоб йўқ.

5-мавзу: Халқаро кредит бозори

1.Узоқ муддатли халқаро кредитга хос бўлмаган хусусиятларни кўрсатинг.

a. кредитлашни кенг шакли

b. асосий фондларга инвестиция учун

c. айланма воситаларни молиялаштириш учун

d. тўғри жавоб йўқ.

2. Қайси ҳолат халқаро факторинг мазмунини очиб беради?

a. импортёр ўз экспортёрини кредитлайди

b. молия компанияси импотёрнинг қарз мажбуриятини сотиб олади

c. молия компанияси импортёрга бўлган қарз талабларини сотиб олади

d. тўғри жавоб йўқ.

3. Молиявий лизингни тавсифловчи белгиларини кўрсатинг.

a. импортёрни узоқ муддатли кредитлаш тури

b. экспортчини узоқ муддатли кредитлаш тури

c. келишувни 100 фоиз кредитлаш таъминланади

d. тўғри жавоб йўқ.

4. Форфейтинг учун характерли белгиларни кўрсатинг.

a. ҳисоб ставкасининг кредитлаш муддати ва қарздорни категориясига боғлиқ

b. кредитлаш мижознинг айланма капиталини таъмилайди

c. молия компанияси регресс ҳуқуқи билан айланма ҳужжатни сотиб олади

d. тўғри жавоб йўқ.

5. Қандай корхоналар учун экспорт факторинг зарур?

a. машина ва асбоб-ускуналарни экспортини амалга оширувчиларга b. накд пул муаммоси бўлган

c. валюта рискини камайтиришга интилувчиларга

d. тўғри жавоб йўқ.

6. Халқаро банк кредитлари фоиз ставкаси микдорига қандай омиллар таъсир

этади?

a. мамлакат рискининг йўқлиги

b. инфляция суръати

c. кредитнинг таъминланганлик даражаси (сифати)

d. тўғри жавоб йўқ.

7. Халқаро кредит бериш тўғрисидаги банк қарорига қайси жараёнлар ижобий таъсир этади?

a. қарз олувчи ўз бизнесида етарли тажрибага эга

b. қарз олувчининг мамлакати барқарор ҳукуматга эга

c. қарз тўланадиган валютани девальвация бўлиш эҳтимолигини юқорилиги

d. тўғри жавоб йўқ.

8. Инкасса шаклидаги ҳисоб-китоблар камчиликларини кўрсатинг?

a. импортёр ҳақиқатда етказиб берилган товар учун тўлайди

b. импортёр тўловни амалга оширишдан воз кечиши мумкин

c. импортёр томонидан тўловни тезлаштириш учун банк реал дастакларга эга эмас

d. тўғри жавоб йўқ.

9. Аккредитив ҳисоб-китоблар шакли қандай хусусиятларга эга?

a. товарни жўнатгунга қадар тўловнинг ишончлиги

b. экспортчи учун ҳисоб-китоб шакли мураккаблиги

c. тўлов шакли шартномада кўрсатилиши лозим

d. тўғри жавоб йўқ.

10. Шартномавий кафолат нимани таъминлайди?

a. тўловни муддатида амалга ошишини

b. импортёр мажбуриятини бажарилишини

c. аванс тўловни қайтаришини кафолатлайди

d. тўғри жавоб йўқ.

11. Факторинг ва форфейтинг орасидаги фарқ?

a. факторинг биржа орқали амалга оширилади

b. форфейтинг биржа орқали амалга оширилади

c. факторинг экспорт қилувчи, форфейтинг импорт қилувчи билан ишлайди

d. факторинг импорт қилувчи, форфейтинг экспорт қилувчи билан ишлайди

12. Кредитор ва қарз берувчи ўртасида кредит суммасини ёки унинг бир қисмини ҳисобдан чиқариш

a. қарзни дисконтлаш

b. қарзни реструктуризациялаш

c. кредит дискриминацияси

d. тўғри жавоб йўқ

13. Кредитни тўлаш муддатларини фоизларни тўлашни орқага суриш орқали чўзиш a. кредитни дисконтлаш

b. кредитни реструктуризациялаш

c. кредит дискриминацияси

d. тўғри жавоб йўқ

14. Давлат кредити қуйидагиларни амалга оширишга ишлатилиши мумкин

a. пул-кредит сиёсати

b. фискал сиёсат

c. молия сиёсати

d. барча жавоб тўғри

15. Давлат кредити .... таъминланади

a. олтин-валюта захираси билан

b. давлат мулки билан

c. олтин-валюта захираси ва давлат мулки билан

d. давлат мулки ва ҳудуд бирлиги билан

16. Давлат ички бозорда қарз олувчи сифатида бўлса

a. кредит ресурслар нархи ошади

b. кредит ресурслар нархи пасаяди

c. кредит ресурслар нархи ўзгармайди

d. барча жавоб тўғри

17. Халқаро ҳисоб-китоблар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар
a. қарз тўланиши зарур бўлган валюта
b. иштирокчиларни тўлов қобилияти
c. келишув шартлари
d. тўғри жавоб йўқ

18. Инкасса тўловини камчиликлари
a. импортёр олинган товарга тўлайди
b. инкасса операциялар харажатлари нисбатан катта эмас
c. импортёр тўловни амалга оширишдан воз кечиши мумкин
d. банк тўлов тезлаштириш учун ҳеч қандай воситага эга эмас

19. Давлат кредити функциялари
a. фискал, қайта тақсимлаш ва тартибга солиш
b. назорат, тартибга солиш, рағбатлантириш
c. назорат ва тартибга солиш
d. назорат, тартибга солиш ва қайта тақсимлаш

20. Давлатнинг кредит рейтинг кўрсаткичини кўтарилишига таъсир этади
a. жорий ташқи қарз миқдори
b. асосий ташқи қарз миқдори
c. ташқи қарз муддати
d. тўғри жавоб йўқ

## 6-мавзу: Халқаро фонд (қимматли қоғозлар) бозори

1. Халқаро фонд бозори мавжуд бўлишининг асосий иқтисодий белгилари қуйидагилар ҳисобланади:
a. мамлакатлар ўртасида капиталнинг қимматли қоғоз шаклида кўчиши
b. мавжуд миллий фонд биржалари негизида қимматли қоғозлар билан халқаро савдо марказларининг мавжудлиги
c. битта, ягона мамлакат юрисдикцияси остига тушмайдиган халқаро қимматли
қоғозларнинг мавжуд бўлиши
d. барча жавоблар тўғри

2. Халқаро фонд бозори қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

a. қайта тақсимлаш, хеджирлаш, спекулятив, халқаро унификация

b. қайта тақсимлаш, спекулятив, халқаро хеджирлаш, халқаро диверсификация

c. спекулятив, қайта тақсимлаш, суғурта, халқаро диверсификация

d. қайта тақсимлаш, кумулятив, халқаро диверсификация, халқаро хеджирлаш

3. Қимматли қоғоз қуйидаги шартлар бажарилса халқаро бўлади:

a. эмитентнинг мамлакатидан ташқарида жойлаштирилса;

b. эмитентнинг миллий валютасидан фарқли валютага сотилса;

c. чет эл инвестори томонидан сотиб олинса;

d. барча жавоблар тўғри.

4. Еврооблигациялар тўғрисидаги қуйидаги фикрлардан қайси бири хато?

a. еврооблигациялар халқаро синдикат андеррайтерлар таркибига кирувчи турли мамлакатларнинг инвестицион банклари (компаниялар)томонидан бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши

b. еврооблигация жойлаштирилган мамлакатларда дастлабки давлат рўйхатига олинмаслиги

c. хорижий фонд бозори бўйича етарли билим ва кўникмага эга бўлмай туриб, бошқа мамлакат бозорига чиқиш имкониятининг мавжудлиги

d. еврооблигация бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакатлар ёки фонд бозорларида жойлаштирилиши

5. Халқаро фонд бозори инструментлари таркиби.

a. қарздорликка оид

b. векселлар

c. акциялар

d. депозитар тилхатлар

6. Халқаро фонд бозорининг қарздорликка оид инструментларига киради?

a. АДР

b. вексeллар

c. акциялар

d. депозитар тилхатлар

7. Халқаро фонд бозорининг мулкка оид инструментлари қуйидагилар киради.

a. еврооблигациялар

b. вексeллар

c. акциялар

d. глобал облигациялар

8. Фонд бозорида эркин айланадиган, хорижий компания акцияларига (облигация) билвосита эгалик қилиш шаклидаги иккиламчи қимматли қоғоз бу - ?

a. Депозитар тилхат

b. Еврооблигация

c. Хорижий облигациялар

d. Глобал акциялар

9. Америка депозитар тилхатларига берилган таърифларнинг қайси бири нотўғри?

a. миллий компания акцияларига нисбатан даромад даражасини юқорилиги

b. хорижий акцияларни тўғридан-тўғри сотиб олишга нисбатан рискларни минимал даражадалиги

c. хорижий фонд бозори бўйича етарли билим ва кўникмага эга бўлмай туриб,

бошқа мамлакат бозорига чиқиш имкониятини мавжудлиги

d. олинган дивидендни миллий валютага конвертация қилиш заруриятининг

мавжудлиги

10. Халқаро фонд бозорининг биржа сегментига қайсилар киради?

a. Фонд биржалари

b. Автоматлаштирилган савдо тизими

c. Трансмиллий банклар

d. a ва b

11. Халқаро фонд бозори объектига киради

a. эмитент

b. инвестор
c. акция
d. барча жавоблар тўғри

12. Халқаро фонд бозорининг инфрастуктурасига киради
a. спред
b. тартибга солиш органлари
c. рўйхатга олиш тармоқлари
d. барча жавоблар тўғри

13. Бирламчи қимматли қоғозлар биринчи эмиссияси ва жойлаштиришли бу-?
a. бирламчи бозор
b. фонд бозори
c. иккиламчи бозор
d. барча жавоблар тўғри

14. Банклар ёки нобанк компаниялари воситачилар ҳисобланадиган бозор
a. банк модель
b. нобанк модель
c. аралаш модель
d. тўғри жавоб йўқ

15. Қимматли қоғозларни умумбозор функциясига киради
a. аккумулиция
b. ҳисоб
c. хусусийлаштириш
d. барча жавоблар тўғри

16. Қимматли қоғозларни хусусий функциясига киради
a. аккумулиция
b. қайта тақсимлаш
c. ҳисоб

d. барча жавоблар тўғри

17. Қимматли қоғозларни ҳисобга олиш ва сақланиши бўйича ҳуқуқни ким амалга оширади?
a. Регистратор
b. депозитарий
c. ишончли бошқарувчи
d. барча жавоблар тўғри

18. Фонд бозорида мижоз номидан олди-сотди келишувини кимлар амалга оширади?
a. диллер
b. брокер
c. депозитарий
d. барча жавоблар тўғри

19. Чиқарилиш шакли бўйича қимматли қоғозлар
a. мулкка ва қарздорликка оид
b. эмиссион ва ноэмиссион
c. оддий ва имтиёзли
d. тўғри жавоб йўқ

20. Иқтисодий моҳиятига кўра қимматли қоғозлар
a. акция, облигация, вексель, коносамент, варрант ва бошқалар
b. эмиссион ва ноэмиссион
c. оддий ва имтиёзли
d. барча жавоблар тўғри

7-мавзу: Халқаро инвестиция бозори
1. ИХТТнинг таърифига кўра тўғридан-тўғри инвестициялар:
a. реинвестицияланиши керак
b. акциядорлик капиталнинг камида 10 фоизига тенг бўлиши керак
c. акциядорлик капиталнинг камида 30 фоизига тенг бўлиши керак
d. инфляция даражасини ортишига олиб келади

2. ЮНКТАД томондан ишлаб чиқарилган хорижий капитал қўйилмани рағбатлантирувчи воситалари таснифига нима киради?
a. фискал имтиёзлар
b. фоиз ставкалари имтиёзи
c. имтиёз муддатлари
d. тўғри жавоб йўқ

3. Молиявий имтиёзлар гуруҳига киради
a. қарзларни субдиялаш
b. экспорт божларини пасайтириш
c. инвестиция лойиҳалари инфратузилмасининг харажатларини субсидиялаш
d. солиқ кредити

4. Интеллектуал инвестициялар бу-
a. патент, лизенциялар сотиб олиш, НИОКР га қўйилма
b. акция, облигация, бошқа қимматли қоғозлар
c. ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция
d. инвестицион кредитлар

5. Қимматли қоғозлар; мақсадли пул жамғармалари; илмий-техник маҳсулотлар бу – ?
a. инвестицион фаолият иштирокчилари
b. инвестицион фаолият ҳажми
c. инвестицион фаолият буюртмачилари
d. тўғри жавоб йўқ

6. Инвесторни ўз молиявий ресурслари:
a. бюджет кредитлари
b. облигациялар
c. амортизация ажратмалари
d. юридик ва жисмоний шахслар пул маблағлари

7. Халқаро инвестицияларни қўйилма объекти бўйича таснифи
a. реал ва молиявий инвестиция
b. ташқи ва ички инвестиция
c. тўғридан-тўғри хорижий ва портфель инвестициялар
d. тўғри жавоб йўқ

8. Халқаро инвестициялардан фойдаланиш характери бўйича таснифи
a. тадбиркорлик ва ссуда инвестициялари
b. реал ва молиявий инвестиция объектлари
c. тўғридан-тўғри хорижий ва портфель инвестициялар
d. тўғри жавоб йўқ

9. Халқаро инвестицияларнинг инвестициялаш мақсади бўйича таснифи
a. реал ва молиявий инвестиция объектлари
b. ташқи ва ички инвестиция
c. тўғридан-тўғри хорижий, портфель ва бошқа инвестиция
d. тўғри жавоб йўқ

10. Инвестицион молиялаштириш институтларига киради:
a. банклар;
b. инвестицион компаниялар
c. инвестицион и пенсион фондлар
d. суғурта компаниялари

11. Инвестицион молиялаштириш институтларига киради:
a. банклар;
b. инвестицион компаниялар
c. инвестицион и пенсион фондлар
d. суғурта компаниялари

12. Портфелли инвестициянинг устунлигига ... кирмайди.

a. валюта курсини ўзгариши ҳисобига қўшимча даромад олиниши
b. миллий инвестицияга нисбатан юқори сифат
c. рискнинг пастлиги
d. валюта риски

13. Халқаро инвестицияларда танловнинг TOP-DOWN тамойили қуйидаги кетма-кетликка эга:
a. қимматли қоғозлар тури -> аниқ қимматли қоғоз-> мамлакатлар (валютлар)
b. қимматли қоғозлар тури -> мамлакатлар (валютлар -> аниқ қимматли қоғоз)
c. мамлакатлар (валютлар) -> аниқ қимматли қоғоз-> қимматли қоғозлар тури
d. аниқ қимматли қоғоз-> мамлакатлар (валютлар)

14. Халқаро инвестицияларда танловнинг Bottom-UP тамойили қуйидаги кетма-
кетликка эга:
a. қимматли қоғозлар тури -> аниқ қимматли қоғоз-> мамлакатлар (валютлар)
b. қимматли қоғозлар тури -> мамлакатлар (валютлар -> аниқ қимматли қоғоз)
c. мамлакатлар (валютлар) -> аниқ қимматли қоғоз-> қимматли қоғозлар тури
d. аниқ қимматли қоғоз-> мамлакатлар (валютлар)

15. Халқаро инвестициялашда қуйидагилар ҳисобига юқори даромад олинади:
a. юқори иқтисодиётга эга мамлакатлар
b. инвестор валютасига нисбатан курснинг ўсиши
c. портфель диверсификацияси
d. халқаро бозорда воситачиларга юқори комиссион тўловлар

16. Қимматли қоғозларнинг келажакдаги сифатини прогнозлашда қуйидагиларнинг қайси биридан фойдаланилмайди?

a. валюта ва фонд бозори бўйича экспертларни фикри;
b. ўтган давр нархлар динамикаси
c. транснационал банклар
d. капитални жалб қилиш назарияси

17. Инвестиция портфелини ҳар бир сегменти структураси тегишли қимматли
қоғозларни бозор капиталашувига
a. активлар
b. пассивлар
c. унверсал
d. техник
18. Бир эмитентни турли акцияларни чиқариши
a. турли рейтинга эга бўлиши
b. бир хил рейтинга эга бўлиши
c. эмитентни ўз рейтингига боғлиқлиги
d. мамлакат рейтингига боғлиқ

19. Еврооблигация бозоридаги қарздорлар
a. саноат ва молия корпорациялари
b. ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органлари
c. марказий ҳукумат
d. ҳукумат ташкилотлари

20. Халқаро инвестициялар даромадлигида валюта курслари
a. доимо уни кўтарилган томонда амал қилади
b. доимо уни пасайган томонда амал қилади
c. таъсир ўтказмайди
d. хорижий валюта курси ўсганда

## 8-мавзу: Халқаро ҳосилавий молиявий инструментлар (деривативлар) бозори

1. Молиявий деревативлар берилган қаторни топинг
a. Форвард, фьючерс, опцион, спот
b. Форвард, факторинг, опцион, своп

c. Форфейтинг, фьючерс, опцион, своп
d. Форвард, фьючерс, опцион, своп

2. Молиявий дераватившлар асосида қуйидаги активлар ётади.
a. Қимматли қоғозлар, товарлар
b. Валюта, фоиз ставкаси
c. Инфляция даражаси, фоиз ставкаси
d. Барча жавоблар тўғри

3. Молиявий деревативлар қуйидаги мақсадларда қўлланилади.
a. Риск-менежмент, арбитраж, бошқа бозорларга кириш
b. Риск-менежмент, арбитраж, спекуляция
c. Спекуляция, инвестициялар даромадлилигини таъминлаш
d. A ва B

4. Фючерс битимлари тўғрисидаги қайси мулоҳаза нотўғри? Фючерс битимларининг жорий этилиши натижасида қуйидаги муаммоларнинг олди
олинди...
a. Ликвидлилик риски
b. Таъминотчи/харидорлар риски
c. Нархнинг тушиб кетиш муаммоси
d. Шартнома бўйича жавобгарлик енгиллашди

5. Дериватив леверидж қандай ҳисобланади?
a. реал бозордаги фойда нормасининг дереватив бозоридаги фойда нормасига
нисбати
b. дериватив битимидан тушган фойда нормасининг дастлабки (базис) актив
билан амалга оширилган битимдан тушган фойданинг нормасига нисбати
c. дериватив битимидан тушган фойда нормасининг кредит бозоридаги фойда
нормасига нисбати

d. халқаро кредит бозоридаги фойда нормасининг дереватив бозоридаги фойда
нормасига нисбати

6. Фьючерс битимларининг асосий афзаллиги бу -
a. Фьючерснинг ликвидлилиги юқори, транзакцион харажатларнинг камлиги ва
етказиб бермаслик рискининг юқорилиги
b. Фьючерснинг ликвидлилиги юқори, етказиб бермаслик рискининг пастлиги ва
стандартлаштирилганлиги
c. Стандартлаштирилганлиги, транзакцион харажатларнинг камлиги ва ликвидлилиги юқори
d. Тўғри жавоб йўқ

7. “A” ва “B” инвесторлар ўртасида опцион шартномаси тузилган. Унга кўра “B”
инвестор, “A” инвесторга “MEGA-Oil” компаниясининг 200 та акциясини сотиш
мажбуриятини олган. Агар “A” инвестор опционни амалга оширмоқчи бўлса, унда
“B” инвестор ... бўлади.
a. Пут-опционни сотувчи
b. Пут-опционни сотиб олувчи
c. Колл-опционни сотиб олувчи
d. Колл-опционни сотувчи

8. Деривативларга асосланган муддатли шартномалар турларига кирмайди a. фьючерс ва форвард шартномалари
b. опцион ва своп шартномалари
c. форфейтинг ва спот шартномалари
d. тўғри жавоб йўқ

9. Кредит деривативларининг жаҳон савдо маркази сифатида тан олинган шаҳар

қайси?
a. Нью-Йорк
b. Лондон
c. Токио
d. Париж

10. ... ўзига хос хусусияти шундаки, унинг эгаси қимматли қоғознинг (молиявий
активнинг) ўзини харид қилмайди, балки уни сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқига эга
бўлади. Бунда у ўзининг харид қилиш ёки сотиш ҳуқуқидан фойдаланиши ё
бўлмаса, ундан воз кечиши мумкин.
a. Форварднинг
b. Фьючерснинг
c. Опционнинг
d. Свопнинг

## 9-мавзу: Халқаро молия бозорида трансмиллий компаниялар

1. Хорижий активларга эга бўлган, ўз операцияларини хорижий мамлакатларда олиб борадиган йирик ишлаб чиқарувчи-молиявий, илмий-технологик, савдо-хизмат кўрсатиш бирлашмаси:
b. халқаро банклар
c. инвестицион компаниялар
d. трансмиллий корпорациялар
e. халқаро компаниялари

2. Трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш босқичлари.
a. 3 та босқич
b. 5 та босқич
c. 2 та босқич
d. 6 та босқич

3. Трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги улуши..?

a. 70 фоиздан ортиқ
b. 40 фоиздан ортиқ
c. 60 фоиздан ортиқ
d. 50 фоиздан ортиқ

4. UNCTAD методологияси бўйича трансмиллий корпорациялар интернационализациялашув индекси аниқланади.
a. хорижий филиаллар сонининг барча филиаллар сонига нисбати
b. ТМК филиаллари сонининг мавжуд мамлакатлар сонига нисбати
c. ТМК хориж активларининг жами активларга нисбати
d. тўғри жавоб йўқ
5. Янги техника-технология ва ноу-хауларга патентлар ва лицензиялар базасининг ТМК ларга тегишли қисми:
a. 50 фоиз
b. 80 фоиз
c. 40 фоиз
d. 90 фоиз

6. Бирлашмага кирувчи ҳар бир компаниянинг юридик ва ишлаб чиқариш
мустақиллигини сақлаб қоладиган шакл бу- ?
a. трест
b. синдикат
c. молиявий бирлашма
d. тўғри жавоб йўқ

7. Банк капитали трансмиллийлашувининг кучайиши қуйидагилар билан
тавсифланади
a. банк фаолиятининг унверсалашуви
b. фонд бозорини кенгайиши
c. кредит бозорига талабнинг ошиши
d. суғурта фаолиятини кенгайши

8. Молиявий талабларнинг ўзаро ҳисоб-китоби – бу...
a. инкассо
b. неттинг
c. аккредитив
d. лидинг

9. UNCTAD томонидан компанияларнинг ТМК эканлиги аниқлайдиган мезонларга қуйидагилардан қайси бири киради?
a. компания умумий активи қийматида хорижий активларнинг улуши камида 25-
30 фоизни ташкил этиши
b. экспорт ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлиши
c. хорижда савдо уйларига эга бўлиши
d. халқаро молия бозорида иштирокчиси бўлиши

10. ТМК лар томонидан молиявий ресурсларни жалб этиш юзасидан қарор қабул
қилишда зарурий ҳисобланади
11. фоиз ставкалари паритети
12. молия бозоридаги талаб
13. молия бозоридаги таклиф
14. тўғри жавоб йўқ

## 10-мавзу: Халқаро молиявий рисклар ва халқаро рейтинг агентликлари

1. Халқаро молия бозори структураси белгиларига кўра қуйидаги рисклар таснифига киради.
a. тижорат риски
b. валюта риски
c. экспорт риски
d. тўғри жавоб йўқ

2. Кредит риски таркибига киради
a. юридик риск
b. технологик риск
c. суғурта риски
d. фоиз риски

3. Фонд ва инвестиция риски таркибига киради a. фоиз риски
b. иқтисодий риск
c. ҳисоб-китоб риски

d. суғурта риски

4. Валюта риски таркибига киради
a. ликвидлик риски
b. портфель риски
c. технологик риск
d. операцион риск

5. Валюта рискларини бошқариш методига киради
a. диверсификация
b. рискни қабул қилиш
c. рискини қабул қилмаслик
d. рискни минималлаштириш

6. Валюта рискини хеджирлаш инструментлари таркибига киради
a. опцион
b. неттинг
c. резерв валюта фондларини шакллантириш
d. бир неча валютадан фойдаланиш

7. Валюта рискини диверсификациялаш инструментлари таркибига киради
a. опцион
b. неттинг
c. форвард шартномаси
d. фьючерс шартномаси

8. Халқаро кредит бозорида рискларни бошқариш методларига киради
a. операциялар чегаралаш (лимит)
b. хеджирлаш
c. рискни ўтказиш
d. муқобил вариантни танлаш

9. Қуйидагилардан қайси бири рейтинг хизматлари кўрсатиш тамойилларига
кирмайди?
a. мустақиллик
b. аналитик маълумотларнинг ошкоралиги
c. интерфаоллик
d. мажбурийлик

10. S&P шкаласи бўйича энг қуйи инвестицион рейтинг берилган қаторни
топинг.
a. AA
b. BB+
c. BBB
d. BBB-

## 11-мавзу: Халқаро молия институтлари

1. Фукционал классификацияси доирасидан келиб чиқиб, халқаро молия ташкилотларини нечта асосий гуруҳга ажратиш мумкин?
a. 3 та гуруҳга b. 5 та гуруҳга
c. 2 та гуруҳга
d. 4 та гуруҳга

2. Хусусий кредитор–банкларнинг норасмий ташкилоти–бу?
a. Париж клуби
b. Лондон клуби
c. Халқаро ҳисоб-китоблар банки
d. UNCTAD
3. Давлат ташқи қарзлари бўйича тўловларни кечиктириш, тартибга солиш
сиёсатини мувофиқлаштирадиган норасмий ташкилот қайси?
a. Париж клуби
b. Лондон клуби
c. Халқаро ҳисоб–китоблар банки
d. UNCTAD

4. Халқаро ҳисоб–китоблар банкининг асосий функциясига киради?
a. марказий банклар ўртасидаги ҳамкорликни ривожланишига ёрдам бериш
b. Тижорат банкларига кредитлар бериш
c. Кредитор қарздоликларни кўриб чиқиш
b. қарзларни реструктуризация қилиш

5. Жаҳон Банки гуруҳига кирувчи қайси ташкилот қамбағал мамлакатлар
ҳукуматларига фоизсиз қарзлар (кредитлар) ва грантлар беради?
a. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ)
b. Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА)
c. Халқаро молия корпорацияси (ХМК),
d. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик

6. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик томонидан
ТТХИ қуйидаги муддатларга кафолайди?
a. 3-15 йилгача
b. 1-3 йилгача
c. 3-5 йилгача
d. 1-10 йилгача

7. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик томонидан
қарзлар кафолатланади
a. кафолатланмайди
b. 1 йил муддатга
c. 3- йил муддатга
d. 5 йил муддатга

8. Халқаро кўламда хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва хусусий капитал экспортини рағбатлантириш учун тузилган ягона ҳукуматлараро муассаса

a. Халқаро ривожланиш ассоциацияси
b. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки
c. Халқаро молия корпорацияси
d. Халқаро ҳисоб–китоблар банки

9. Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ) қачон ва нима мақсадда ташкил топган? a. 1982 йилда Лондонда ташкил қилинган бўлиб – Марказий ва Шарқий
Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтишига ёрдам беришдан иборат
b. 1990 йилда Лондонда ташкил қилинган бўлиб – Марказий ва Шарқий Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтишига ёрдам беришдан иборат
c. 1992 йилда Парижда ташкил қилинган бўлиб – Марказий Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кредитлар ажратишдан иборат
d. 1995 йилда Италияда ташкил қилинган бўлиб – Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат

10. Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг функциялари?
a. Европа мамлакалари валюта тизимининг барқарорлигини таъминлаш
b. Европа мамлакалари иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш
c. Ривожланаётган мамлакатлар валюта тизими барқарорлигини таъминлаш
d. Ўтиш даври мамлакатлари иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш

**11. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг мижозлари кимлар?**
a. фақат тижорат банклари ва суғурта компаниялари
b. фақат молия вазирликлари
c. фақат экспорт ташкилотлари
d. фақат марказий банклар

12. ЕТТБ молиялаштиришнинг умумий шартлари қуйидагилардан иборат:
a. лойиҳалар қиймати 5-250 млн. еврогача

b. лойиҳалар қиймати 50-100 млн. еврогача
c. лойиҳалар қиймати 10-50 млн. еврогача
d. лойиҳалар қиймати 15-300 млн. еврогача

13. ЕТТБ нинг акционерлик капиталида иштирок этишидаги шартлар қуйидагилардан иборат
a. 2 дан 100 млн. еврогача
b. 2 дан 100 млн. еврогача
c. 2 дан 100 млн. еврогача
d. 2 дан 100 млн. еврогача

14. Осиё тараққиёт банкининг ташкил этишдан мақсад:
a. Осиё–Тинч океани минтақаси мамлакатларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга ёрдам бериш
b. Осиё минтақаси мамлакатларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга ёрдам бериш
c. Осиё ва Яқин шарқ минтақаси мамлакатларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга ёрдам бериш
d. Ўрта Осиё мамлакатларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга ёрдам бериш

15. ХВФ нинг тўлов балансини молиялаштиришда қисқа муддатли қийинчиликларни бошидан кечираётган мамлакатларга қисқа ва ўрта муддатли ёрдам кўрсатиш мақсадида бериладиган кредитлари
a. “Стенд–бай” кредити b. Кредитлашни кенгайтирилган механизми
c. Эгилувчан кредити
d. Превентив қўллаб–қувватлаш кредити

16. ХВФ нинг тўлов балансини молиялаштиришда тўлов балансидаги узоқ муддатли характердаги қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида бериладиган кредитлари
a. “Стенд–бай” кредити
b. Кредитлашнинг кенгайтирилган механизми
c. Эгилувчан кредити
d. Превентив қўллаб–қувватлаш кредити

17. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки
a. Паст ва ўрта даромадли мамлакатларга кредит беради
b. Фақат паст даромадли мамлакатларга кредит беради
c. Фақат ўрта даромадли мамлакатларга кредит беради
d. Паст ва ўрта даромадли мамлакатларга фақат грант ажратади

18. Халқаро тараққиёт ассоциациясининг асосий ресурслар базаси ... шаклланади.
a. Берилган кредитлар фоизлари ҳисобидан
b. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки трансфертларидан
c. Кўп томонлама кечилган қарзлар ҳисобига донорлар тўлаган компенсациялардан
d. Донорлар бадалларидан

19. ЕОИИга аъзо–давлатлар томонидан баланслашган ва барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш мақсадида макроиқтисодий кўрсаткичлар даражаси тўғрисидаги келишув асосан
a. Бюджет дефицити ЯИМ нинг 3 % дан ошмаслиги
b. Бюджет дефицити ЯИМ нинг 5 % дан ошмаслиги
c. Бюджет дефицити ЯИМ нинг 2 % дан ошмаслиги
d. Бюджет дефицити ЯИМ нинг 1 % дан ошмаслиги

20. Халқаро ҳисоб–китоблар банкининг кредит–банк операциялари категориясига киради
a. марказий банклар учун инвестицион хизматлар
b. қимматли қоғоз операциялари
c. ЕИ қарзлари билан боғлиқ операциялар
d. ЕИ кредитлар билан боғлиқ операциялар

## 12-мавзу: Халқаро молия бозорини тартибга солиш

1. Халқаро молия бозорини татибга солишнинг мақсадлари:
a. молия бозорида молиявий барқарорликни ушлаб туриш
b. фоиз ставкасини тартибга солиш
c. суғурта рискларини тартибга солиш

d. тўғри жавоб йўқ
2. Мамлакатлар ва тармоқлар ўртасида капитал ҳаракатини таъминлашда муҳим
ҳисобланади
a. валюта курси ва тўлов балансини тартибга солиш
b. суғурта рисклари ва фоиз ставкасини тартибга солиш
c. фискал сиёсат
d. пул-кредит сиёсати
3. Ноинфляцион иқтисодий ўсишни таъминлашда
a. валюта курси ва тўлов балансини тартибга солиш
b. суғурта рисклари ва фоиз ставкасини тартибга солиш
c. пул массаси ва валюта курсини тартибга солиш
d. экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш

4. Молия бозорини тартибга солиш методлари
a. давлат ва бозор методлар
b. ташқи ва ички методлар
c. бевосита ва билвосита методлар
d. умумий ва махсус методлар

5. Валютани тўғридан-тўғри тартибга солиш усулларига киради
a. экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш
b. валютани девальвация ва ревальвацияси
c. валюта курси ва тўлов балансини тартибга солиш
d. тўғри жавоб йўқ

6. Валютани билвосита тартибга солиш усулига киради
a. банклар учун мажбурий валюта резерви
b. валютани девальвация ва ревальвацияси
c. норезидентларнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиб олишни тақиқлаш
d. портфель инвестиция учун лимит

7. Халқаро молия бозорини тартибга солишни амалга оширади
a. Париж клуби

b. Лондон клуби
c. ХВФ
d. Халқаро ҳисоб-китоблар банки

8. Марказий банкларнинг суғурта бозорини тартибга солиш усулларига киради
a. РЕПО операциялари
b. Депозит операциялари
c. Очиқ бозордаги операциялари
d. тўғри жавоб йўқ

9. Марказий банкларнинг валюта бозорини тартибга солиш усулларига кирмайди
a. Ҳисоб сиёсати
b. Очиқ бозордаги операциялар
c. Кредит ташкилотларини қайта молиялаштириш
d. Репо операциялари

10. Марказий банкларнинг инвестициялар бозорини тартибга солиш усулларига
кирмайди
a. Ҳисоб сиёсати
b. Очиқ бозордаги операциялар
c. РЕПО операциялари
d. Мажбурия резервлар нормасини кўриб чиқиш

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-кейс: Иқтисодий интеграциялашув босқичларининг схемасини тузинг.**

 Сиз босқичларни тузишда қайси мезонлардан фойдаландингиз?

 Иқтисодий интеграциялашувнинг босқичлари акс этган ягона схемасини тузинг. Агар йўқ бўлса, нима сабабдан?

**2-кейс: Халқаро молия бозори тузилиши (структураси)ни тузинг. График кўринишида тасвирланг.**

 Молия бозори таснифлари учун қайси мезонлардан фойдаландингиз?

 Молия бозорининг барча сегментларини ўзида акс эттирган ягона схемасини туза олдингизми? Агарда йўқ бўлса, нима сабабдан?

**3-Кейс:** Биринчи экспортчи фирма импортёрга шартнома бўйича 200 минг доллар қийматдаги товарни сотиб олишни тавсия қилган. Тўлов шартлари: шартномадаги суммани 20 фоизи бўнак (аванс) сифатида шартнома тузиш жараёнида тўланади.

Қолган қисми эса икки йил давомида тенг улушларда йиллик 12 фоиз бўйича тўланиши белгиланган. Иккинчи экспортчи фирма, шу партиядаги товарни импортёрга шартнома имзоланиши жараёнида суммани 30 фоизини тўлаш шартлиги, қолган сумма эса йил охиригача, шунингдек, йиллик 12 фоиз бўйича тўлашини кўрсатилган.

 Икки йўл бўйича импортер томонидан тўланиши зарур бўлган сумма миқдорини ҳисобланг.

 Қайси вариант импортёр учун қулай? Нима сабабдан?

**4-Кейс:** Тижорат банкида жорий валюта ҳисоб рақами бўлган корхона 100 минг АҚШ доллари миқдорида валюта кредит (олтин таъминоти билан) олмоқчи. Банк кредит бериш тўғрисидаги қарор қабул қилишда қайси маълумотларни таҳлил қилади?

 Қайси шартларга риоя қилинганда, банк кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилади?

 Бу кўринишдаги кредитни олиш учун ҳужжатларни стандарт пакетига нима киради?

**5-Кейс:** Молиявий ресурслар турларининг схемасини тузинг?

 Молиявий ресурслар ўсишига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг?

 Натижаларни жадвалда ифодаланг?

| Молиявий ресурслар | Ўсиш омиллари |
|---|---|
| 1. Фойда<br>2. ҚҚС, акциз<br>3. Амортизация ажратмалари<br>4. Ижтимоий мақсадларга ажратмалар<br>5. Ташқи иқтисодий фаолиятдан даромадлар<br>6. Аҳолидан тушумлар | |

**6-Кейс:** Бозор фоиз ставкаси йиллик 14 фоиз. Номинал қиймат $1000. Облигацияни купон даромади қатъий йиллик 12%. Аниқланг?

-  облигация қийматини, қоплаш муддати 5 йил қолган бўлса ва купон тўловлари йилда бир марта амалга оширилса?
-  облигация қийматини, қоплаш муддати 8 йил қолган бўлса ва купон тўловлари йилда бир марта амалга оширилса?
-  облигация қийматини, қоплаш муддати 5 йил қолган бўлса ва купон тўловлари йилда икки марта амалга оширилса?

**7-Кейс:** Жаҳон банклараро валюта бозорининг 1986-2004 йй. кунлик оборотининг динамикаси, (млрд. АҚШ долларида)

1. Шу кунга қадар валюта бозоридаги оборотларни ўсиб бориши сабаблари нимада?
2. 2001 йилдаги валюта бозоридаги пасайиш нима билан боғлиқ?
3. 2001 йилдан кейинги валюта бозори обортининг ўсиш сабабларини кўрсатинг ва тушунтириб беринг?

| | 1986г. | 1989г. | 1992г. | 1995г. | 1998г. | 2001г. | 2004г. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Соф оборот** | 355 | 590 | 820 | 1230 | 1429 | 1173 | 1900 |

8-Кейс: Россияга капитал киритиш риски

Россияда ишловчи ғарбий топ-менежерлар бир йил аввал инвесторлар учун бу ердаги рискларни қуйидагича баҳолашган (5-рискнинг энг юқори даражаси,1-энг паст):

| **Риск турлари** | **Риск даражаси** |
|---|---|
| Ишлаб чиқаришдаги бюрократия ва коррупция | 4,3 |
| Носоғлом рақобат | 3,8 |
| Баъзида қонуний асосда, ўз активлардан ажраб қолиш, мулкни йўқотиш риски | 3,7 |
| Инвесторлар ҳуқуқларини тан олмайдиган менежерлар | 2,8 |
| Шаффоф бўлмаган молия | 2,5 |
| Сиёсий риск ( қонунчиликдаги ўзгаришлар, бизнесга зарар келтиришга қодир бўлган) | 1,8 |
| Самарасиз менежмент, билим камлиги, бошқарувнинг эскирган усуллари | 1,8 |

1. Макроиқтисодий кўрсаткичлар доимо иқтисодиётнинг реал ҳолатини ифодалайдими? Мисоллар келтиринг.
2. У ёки бу мамлакатга капитал киритишда рискларни реал баҳолашда қайси кўрсаткичлар ҳисобга олиниши керак? Россияга капитал жойлаштиришдаги жозибадорлик ва хавфли шароитларини маблағ киритувчи ва олувчи нуқтаи назаридан аниқланг?

# VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

## 1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

*Мустақил иш* – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

*Мустақил иш* - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

***Мустақил ишнинг турлари ва тизими:***

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

а) информатив ( рефератлар – конспектлар);

б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2.Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;
- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хулосаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;
- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;
- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш;

• Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
-тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

**2) Мустақил таълим мавзулари.**

**1**. Жаҳон иқтисодиёти глобалашуви шароитида ривожланаётган мамлакатлар молия бозори.

2. Иқтисодий глобаллашув ва минтақалашув: Европа тажрибаси.

3. Молиявий глобалашув жараёнлари ва унинг салбий оқибатлари.

4. Халқаро қимматли қоғозлар бозорида молиявий инвестициялар.

5. Жаҳон иқтисодиётини глобалашуви шароитида портфелли инвестициялар муаммолари.

6. Халқаро акциялар бозори ва уни капиталлашув структураси.

7. Халқаро облигациялар бозори ва унинг тузилиши.

8. Фьючерс молиявий ричагли инструмент сифатида.

9. Опцион битимлар ва ҳисоб-китоб қилиниш тартиби.

10. Трансмиллий корпорациялар ва уларнинг халқаро капитал ҳаракатидаги роли.

11. Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари классификацияси ва уларнинг роли.

12. Халқаро молия марказлари ва уларнинг аҳамияти.

13. Халқаро молия бозорининг халқаро ташкилотлар томонидан тартибга солиниши.

14. Европа офшор ҳудудлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

15. Америка офшор ҳудудлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

16. Осиёда офшор ҳудудлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

17. Океаниядаги офшор ҳудудлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

18. Осиё иқтисодий эркин ҳудудлари.
19. Европа иқтисодий эркин ҳудудлари.
20. Ўзбекистондаги иқтисодий эркин ҳудудлар.
21. Глобал молия бозорини ривожланиш хусусиятлари.
22. Ривожланаётган давлатларни халқаро кредитлаш амалиёти.
23. Замонавий иқтисодиётда синдикатлашган кредитлаш амалиёти.
24. Халқаро капитал бозори ривожланишининг замонавий тенденциялари.
25. Халқаро кредит бозорини тартибга солиш шакллари.
26. Депозитар тилхатлар молиявий инструмент сифатида.
27. Еврооблигациялар чиқариш ва жойлаштириш механизмлари ва индекслари.
28. Бреттон-Вудс валюта тизими ва унинг инқирози.
29. Ямайка валюта тизими ва унинг замонавий ҳолати таҳлили.
30. Валюта бозори ва келишувларини амалга оширишда фойдаланиладиган инструментлар.
31. Лондон клуби кредиторлари фаолиятини ўзига хос хусусияти.
32. Париж клуби халқаро молия институти сифатида.
33. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг валюта-кредит операцияларини амалга ошириш амалиёти.
34. Жаҳон банкини Марказий Осиё мамлакатлари бозоридаги кредитлаш амалиёти.
35. Ислом тараққиёт банки ва Ўзбекистон ўртасидаги инвестицион лойиҳалар.
36. Жаҳон банки ва Ўзбекистон ҳамкорлиги.
37. Халқаро валюта фонди билан Ўзбекистон ҳамкорлиги.
38. Осиё тарақиёт банкининг Ўзбекистонга кредит линиялари.
39. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг компаниялари билан алоқалари.
40. Жаҳон банки гуруҳи ва уларнинг фаолияти.
41. Халқаро фонд цикллари ва инқирозлари.

# VII. ГЛОССАРИЙ

Аккредитив – мижознинг илтимосига кўра, банк томонидан ҳужжатда кўрсатилган шартларда учинчи шахс (бенифициар)га тўловни амалга ошириш ёки бенифициар томонидан кўйилган ўтказма векселни (тратта) тўлашни амалга ошириш (акцепт) бўйича банк мажурияти бўйича битим.

Акцепт – битим амалга ошганлигини англатувчи офертани қабул қилинганлигига розилик бериш.

Валюта арбитражи – своплар ва ссуда капитали бозорида битимлар биргаликда амалга оширилишини назарда тутувчи банклараро операциялар.

Валюта бозорлари – миллий валюта иштирокида талаб ва таклиф таъсирида юзага келувчи валюта курсига мувофиқ хорижий валюталар олди-

сотди қилинадиган расмий марказлар.

Вексель – белгиланган кўринишда тузилган ёзма қарздорлик мажбурияти, вексель эгаси унда кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг белгиланган пул суммасини қарздордан талаб қилишга ҳақли.

Векселли кредит – экспортёр товарни сотиш ҳақида битим тузиб, ўтказма вексел (тратта)ни импортёрга жўнатади, импортёр тижорат ҳужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

Глобаллашув – бу либерализациялашган халқаро алмашинув асосида хўжалик хаётини интеграциялашув жараёнларининг кучайиши, миллий ривожланган иқтисодиётнинг очиқлиги ва ўзаро боғлиқлигини юқори даражадаги янги босқичидир.

Девальвация – миллий валюта курсини хорижий валютага нисбатан пасайтирилиши (тескари жараён — ревальвация).

Депозитар тилхат – бу фонд бозорларида эркин муомалада бўладиган хорижий компания акцияларининг ҳосилавий қимматли қоғозидир. Хорижий компания акциялари йирик депозитар банкда депонентланади ва тилхатлар сертификат шаклида муомалага чиқарилади.

Жаҳон валюта-молия тизими (ЖВМТ) – халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида узоқ давом этган эволюция натижасида шаклланган ва давлатлараро битимлар орқали мустаҳкамланган валюта муносабатларини ташкил этиш кўринишидир.

Импорт квотаси – алоҳида маҳсулот тури ёки тармоқ ва халқ хўжалигида импортни улушини ифодаловчи миқдорий кўрсаткич. Бу кўрсаткич маълум даврга экспорт қийматини ЯИМ қийматига нисбати орқали аниқланади.

Инкассо – банк операциясининг бир тури, банкнинг турли ҳужжатлар орқали (вексель, чек ва бошқалар) мижозлар номидан ва улар ҳисобидан оладиган пули.

Капиталнинг халқаро ҳаракати – бу ишлаб чиқариш омилларининг ривожланган даражадаги халқаро жойлашивудир.

Қарзни дисконтлаш – кредитор ва қарз берувчи ўртасида кредит суммасини ёки унинг бир қисмини ҳисобдан чиқариш.

Қарзни реструктуризациялаш – кредитни тўлаш муддатларини фоизларни тўлашни орқага суриш орқали чўзиш.

Квоталаш – давлат томонидан экспорт ва импортнинг қиймат ва жисмоний ҳажмини тўғридан-тўғри чеклаш амалиёти.

Кенгайтирилган кредитлаш механизми (Extended Fund Facility) – аъзо мамлакатлар Тўлов балансида мунтазам дефицит бўлган тақдирда, ХВФ томонидан амалга ошириладиган тадбирдир.

Клиринг – қарама-қарши товар оқимларида валютадан фойдаланмасдан (нақдсиз) воситачи орқали ўзаро ҳисоб-китобни назарда тутувчи савдо операцияси.

Кредит дискриминацияси – бу кредитор давлатлар томонидан қарздор

мамлакатга нисбатан қўлланиладиган амалиёт бўлиб, қарздор давлатнинг халқаро кредит бозоридаги ҳолатини ўзгартириш мақсадида кредитлаш шартларини ёмонлаштиришга йўналтирилган сиёсатдир.

Кредит сиёсати – бу кредитор мамлакатнинг ҳолатини оптималлаштириш ва қарздор мамлакатларнинг ташқи қарзларини муддатида тўлаш учун шарт-шароит яратишга қаратилган сиёсатдир.

Кросс-курс – бир мамлакат валютасининг иккинчи бир мамлакат валютасига нисбатини учинчи валюта орқали ифодаланиши.

Лондон клуби – қарздор давлатлар ҳукуматлари билан музокаралар олиб бориш мақсадида тузилган, кредитор тижорат банклари халқаро норасмий бирлашмаси.

Мамлакат ташқи савдо обороти – экспорт ва импортнинг жаҳон товар оборотидаги улуши.

Маржа – валюта ҳаридори ва сотувчиси курслари ўртасидаги фарқ.

Маржинал (қўшилган) фойда – сотиш нархи ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндилари орасидаги фарқ.

Молиявий глобаллашув – мамлакатлар ўртасида капитал ҳаракати орқали иқтисодиётда глобал алоқаларнинг кучайиши.

Молиявий интеграциялашув – мамлакатни жаҳон молия тизимига жалб қилинишини англатади.

Облигация – бу унинг эгаси қарз берганлигидан гувоҳлик берувчи ва унга ушбу қимматли қоғознинг номинал қийматини ва унда кўрсатилган муддатда (қатъий) фоиз тўланган ҳолда қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

Опцион – иштирок этаётган томонларнинг бирига активларнинг (қимматли қоғозлар, валюта) маълум бир миқдорини муайян вақт мобайнида белгиланган нархда сотиб олиб ёки контрагентга сотиш ҳуқуқини берувчи шартнома.

Париж клуби – давлатларнинг ташқи қарзларини муҳокама қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган, ривожланган кредитор давлатлар ҳукуматларининг норасмий бирлашмаси.

Портфель инвестициялар фойда олиш мақсадида (инвестицион объектлар бозор қиймати ўсиши, дивидендлар, процентлар ёки бошқа пул мукофотлари кўринишида) иқтисодий активларга қўйилмалар ҳисобланиб, улар рискларнинг диверсификацияси шаклидир.

Ролловер кредитлар – асосий миқдор, қўшимча (маржа) ва комиссион тўловлардан таркиб топган фоиз ставкасини қайта кўриш мумкин бўлган ҳолда ссуда бериш.

Савдо баланси – экспорт ва импорт операциялари бўйича валюта тўловлари ва тушумларининг ҳақиқатдаги суммасини акс эттиради. Кредитга сотиб олинган товарлар қиймати бу ерда акс эттирилмайди.

Своп операцияси – бир валютани спот операцияси бўйича сотиб олиш ва форвард шарти бўйича сотишига ёки форвард шарти бўйича сотиб олиш ва

спот шарти бўйича сотишга айтилади.

СДР – махсус қарздорлик ҳуқуқи. ХВФ томонидан эмиссия қилинувчи халқаро ҳисоб бирлиги.

Спот – валюта битими тузилгандан сўнг, валюталар икки иш кунида келиб тушадиган операциялар.

Ташқи савдо квотаси – экспорт ва импортни ялпи қийматини ½ ЯИМ қийматига нисбати орқали аниқланади.

Трансмиллий банклар (ТМБ) – йирик унверсал банк ҳисобланиб, ссуда капиталини халқаро ҳаракатида воситачилик ролини бажаради.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) – хорижий активларга (капитал қўйилма) эга бўлган ўз операцияларини хорижий мамлакатларда олиб борадиган йирик ишлаб чиқарувчи-молиявий, илмий-технологик, савдо-сервис соҳасидаги корпорациялар.

Тўлов баланси – мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – бу бошқа мамлакат ҳудудидаги корхона уставига маблағ инвестиция қилиш ҳисобланиб, у мазкур инвестиция объектини бевосита бошқариш ёки маълум даражада назорат қилиш ҳамда келажакдаги молиявий-иқтисодий мақсадларда (нафақат фойда олиш) амалга оширилади.

Факторинг – банк ёки фактор-компанияларнинг маҳсулот етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги ҳисоб-китобларда етказиб берувчининг молиявий талабини қарзни кейинчалик харидордан ундириб олиш йўли билан тўлаш воситасидаги жами воситачилик операциялари.

Фирма кредити – экспортёр мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни кечиктириш шаклидаги ссуда бериши тушунилади.

Фонд биржаси – қимматли қоғозларни алоҳида тарзда уюшган бозори.

Форвард – белгиланган муддатда, аммо икки иш кунидан ошиқ бўлган муддатда амалга ошириладиган операцияларга айтилади. Амалиётда форвард битимларини амалга оширишнинг стандарт муддатлари учрайди. Стандарт муддатларга 1; 3; 6; 9; ва 12 ойларни киритиш мумкин.

Форфейтинг – бу товарларни етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича талаблар қўйиш ҳуқуқини олиш, ушбу талабга доир операцияларни бажариш ва уни инкассо қилиш хатарини қабул қилишдир.

Франчайзинг – бир компаниянинг бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо белгиси (маркаси, бренд), товар белгиси ва бошқа атрибутларидан фойдаланиши.

Фьючерс – келишилган миқдордаги қимматликларни маълум вақт мобайнида, битим тузиш вақтида, белгиланган нархда етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларни ўзида намоён қилади.

Халқаро Валюта Фонди – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит

муносабатларини тартибга солиш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилотдир.

Халқаро инвестициялар – бу фойда олиш мақсадида капитал маблағни миллий бозор чегараларидан кесиб ўтиб, инвестицион товарларга жалб этилиши (сотиб олиниши)дир.

Халқаро инвестициялар бозори – турли мамлакатлар иқтисодий субъектлари орасида инвестицион капиталнинг инвестицион товарларга алмашув жараёнидир.

Халқаро инвестициялар бозори конъюнктураси –халқаро инвестициялар

бозорида шаклланган талаб ва таклиф нисбатини, баҳолар даражасини, рақобат ва келишувлар миқдорини намоён этувчи омиллар мажмуасидир.

Халқаро иқтисодий интеграция – миллий иқтисодиётларнинг яқинлашиши ва ўзаро мослашиши, уларнинг халқаро миқёсда ягона ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиши.

Халқаро кредит – бу халқаро майдонда қарз капиталининг ҳаракати ҳисобланиб, у валюта ва товарларнинг қайтариш, муддатлилик ва тўловлилик асосида берилишидан иборатдир.

Халқаро кредит бозори – бу халқаро молия бозорининг таркибий қисми бўлиб, давлатлар ўртасида (кредитор ва қарздор) қайтаришлилик, тўловлилик ва муддатлилик шартлари асосидаги ссуда капиталининг (кредит) ҳаракатига оид муносабатлар йиғиндисидир.

Халқаро молия – бу молиявий ресурсларининг ҳаракати, шаклланиши, тақсимланиши ва халқаро молия бозори институтлари ҳамда халқаро институтлар ва ташкилотлар томонидан ишлатилишига асосланган таркиби бўйича мураккаб бўлган муносабатлар тизимидир.

Халқаро фонд бозори – молия бозорининг таркибий қисми бўлиб, эмитентлар ва инвесторлар ўртасида ёки турли мамлакат резидентлари ҳисобланган инвесторлар томонидан амалга ошириладиган қимматли қоғозлар бўйича операциялар йиғиндисидир.

Халқаро ҳисоб-китоблар – турли давлатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлардан келиб чиқувчи пул талаблари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни ташкил этиш ва тартибга солиш жараёни.

Харид қобилияти паритети назарияси – валюта курси икки мамлакат пул бирликларининг нисбий қиймати билан аниқланади, у муомаладаги пул микдорига боғлиқ. Жумладан, Дж.М.Кейнс тамойилига кўра, давлат томонидан фоиз ставкасини манипуляция қилиш мамлакатга хориждан инвестиция оқимларини қуйидагича ўзгартиради: фоиз ставкаси камайтирилса, ташқи қарзлар ҳажми ортади, фоиз ставкаси оширилса, аксинча, камаяди.

Хеджер – валюта олди-сотти битими иштирокчиси, унинг асосий мақсади ўзини битим натижасида юзага чиқиши мумкин бўлган валюта рискларидан

хеджирлаш (суғурталаш) ҳисобланади.

Хекшер–Олин–Самуэлсон тамойили – мамлакатнинг экспортга ихтисослашуви миллий иқтисодиётдаги ортиқча ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлигига асосланган.

Хўжалик фаолиятини интернационаллашуви – бу жаҳон хўжалиги иштирокчиси бўлган мамлакатлар миллий иқтисодиётига халқаро иқтисодий алоқалар таъсири, алоҳида мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигининг кучайиши.

Экспорт квотаси – алоҳида маҳсулот тури ёки тармоқ ва бутун иқтисодиётда экспорт улушини ифодаловчи миқдорий кўрсаткич. Бу кўрсаткич маълум даврдаги экспорт қийматини ЯИМ қийматига нисбати орқали аниқланади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар – мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортишдан озод этилади, яъни - бу миллий иқтисодиётнинг бир қисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) – преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг

доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан ҳоли савдо тартибига риоя қилинади.

Ҳосилавий қимматли қоғозлар (ҲҚҚ) – бу бозор иштирокчисининг бир

шартнома бўйича бошқа бозор иштирокчилари олдида зиммасига олган мажбуриятини шартнома шартларини бузмасдан туриб мажбуриятни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаб бериш ёки қоплаш орқали уларни бартараф этиш имконини берувчи молиявий инструментлар (воситалар)дир.

# VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. Меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008 - 176 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистан мустақилликка эришиш остонасида. —Т.: “Узбекистан”, 2011 .-440 б.

3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. -Т:. “Ўзбекистон”, 2015.-302 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Узбекистан давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахдил, қатьий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: “Ўзбекистон”. - 2017 - 1026.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 488 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

## II. Масус адабиётлар.

12. Global Financial Markets./7 the edition. Stephen Valdez & Philip Molyneux.

13. Palgrave McMillan, 2013. 537p.

14. 2. The Global money markets. Frank J. Fabozzi, Steven V. Mann& Moorad

15. Choudhry. John Wiley & Sons, Inc.Copyright 2002 by Frank J. Fabozzi. All rights reserved. 328p.

16. Financial Markets and Institution\Eighth Edition. Frederic S. Mishkin &

Stanley G.
17. Eakins.704p.
18. Международные валютно–кредитные отношения:учебник и практикум /Е.А.
19. Звонова и др.–М.: Издательство Юрайт, 2014. –687с.
20. Международные валютно–кредитные отношения: Учебник для вузов /Под
21. ред.Л.Н.Красавиной. –4–е изд., перераб. и доп . –М.: Издательство Юрайт, 2014. –543с.
22. An Introduction to Financial Markets and Institutions\ Second Edition. Maureen
23. Burton, Reynold Nesiba, Bruce Brown.-673p.
24. Krugman, Paul The Return of Depression Economics and the Crisis of 2008, 2e
25. (Norton; 2009). Pdf.
26. Ratings, rating agencies and the global financial system. RM Levich, G Majnoni, C
27. Reinhart – 2012. books. google.com.
28. Кидуэлл Д. С., Петерсон Р. Л., Блэкуэлл Д. У. Финансовые институты, рынки
29. и деньги. – СПб: Издательство «Питер», 2000.–752 с.:ил. – (Серия «Базовый курс»).
30. 5. Гришина О.А., Звонова Е.А. Регулирование мирового финансового рынка:
31. Теория, практика, инструменты. – М: ИНФРА – М, 2010. – 410 с.
32. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. –
33. Изд.с обновлениям/под ред. проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. – М.: Магистр: ИНФРА – М , 2013. – 538 с.
34. 7. Международный валютный рынок и валютный дилинг: учеб. пособие /Е. Г.
35. Князева, Н. Н. Мокеева, В. Б. Родичева, В. Е. Заборовский. – Екатеринбург: Изд–во Урал. ун–та, 2014. – 120 с.

## III.Интернет сайтлари

36. www.imf.org. Халқаро валюта фондининг расмий сайти.
37. www.worldbank.org. Жаҳон банки гуруҳининг расмий сайти.
38. http://ida.worldbank.org Халқаро тараққиёт уюшмасининг расмий сайти.
39. www.ifc.org Халқаро молия корпорациясининг расмий сайти.
40. http://icsid.worldbank.org. Инвестиция низоларини ҳал этиш халқаро марказининг расмий сайти.
http://miga.org. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама

агентликнинг расмий сайти.
41. www.bis.org. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг расмий сайти.
42. www.unctad.org. БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси расмий сайти.
43. www.doingbusiness.org. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” лойиҳаси расмий сайти.
44. www.weforum.org. Жаҳон иқтисодий форумининг расмий сайти.
45. www.standardandpoors.com Standard & Poor’s халқаро рейтинг агентлигининг расмий сайти.
46. www.moodys.com Moody's Corporation халқаро рейтинг агентлигининг расмий сайти.
47. www.fitchratings.com Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлигининг расмий сайти.
48. www.oecd.org. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг расмий сайти.
49. www.adb.org Осиё тараққиёт банкининг расмий сайти.
50. www.ebrd.com. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг расмий сайти.
51. www.ecb.europa.eu Европа марказий банкининг расмий сайти.